VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

41 (258) ● 2013 йил 23 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Юртимизда барча соҳалар қатори миллий молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди



Оилада ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, комил инсонлар қилиб ўстириш муҳим вазифалардан саналади



Самарқанд шаҳрининг меъморий қиёфаси тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда

4 ПАРЛАМЕНТ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

## Хабарлар

### Ягона электрон тизим

**Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида "Халқ таълими" электрон тизимининг "Мактаб таълим жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими"ни жорий этиш бўйича ўқув-семинар ўтказилди.**

Ўқув-семинарда Тошкент шаҳридаги туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича масъуллари, информатика фани ўқитувчилари ҳамда бошқа масъул ходимлар иштирок этди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги томонидан ягона электрон тизим яратилгани, мактаб таълим жараёнини бошқариш, соҳага оид янгилик ва ютуқлардан хабардор бўлишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шунингдек, вазирлик тизимида давлат интерактив хизматларини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар, яратилган электрон ахборот-таълим ресурслари ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича маълумотлар берилди.

### Мавсумга ҳозирлик ниҳоясига етди

**Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.**

Корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўп қаватли уйларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари коммунал хўжалик идоралари, мутасадди ташкилотлар томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётир. Нукус шаҳар "Коммунал иссиқлик маркази" очиқ акциядорлик жамияти томонидан ҳам қиш мавсумига пухта тараддуд кўрилди. Совуқ кунларда истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи 47,6 километр масофадаги қувурлар соз ҳолга келтирилди. Жамият томонидан қиш мавсумида 123 объектни узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилди.

### Истеъдодли қизлар танлови

**Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда юз нафардан ортиқ қиз беш йўналиш бўйича ўзининг истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.**

Танловнинг қуйи босқичлари вилоятдаги таълим муассасалари, шаҳар ва туманларда юқори савияда ўтказилган. Бир минг беш юздан зиёд иқтидорли қиз адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишларида ўз билим ва истеъдодларини намойиш этди. Шуни айтиш жоизки, мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият юритаётган "Зулфияхоним қизлари", "Ораста қизлар", "Лидер қизлар" каби тўгараклар, спорт секциялари ўқувчиларнинг билим-кўникмаси ва маҳоратини оширишда муҳим омил бўлган. Йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритган қизлар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

## Тил — миллатнинг руҳи

*Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.*

**Ислом КАРИМОВ**



*Партия тил, нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига қарши аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш, шу муносабат билан давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттиришни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.*

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИ

**она тилимизни асраш, авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш — ЎзМТДП эътиборида**

***Тил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси ва кўзгусидир. Шу боис халқимиз «Тил бойлиги — эл бойлиги» деб атайди. Уни асраш, авайлаш, бойитиш, ифодали сўзлаш ҳар бир инсоннинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда халқимизнинг миллий маданияти ва ўзлигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.***

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан "Она тилимиз - миллий қадриятлар асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти ходимлари, олимлар, мутахассислар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев истиқлол йилларида давлат тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Шунингдек, нотиқ ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган кўплаб илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалар, янгидан янги луғатлар чоп қилинаётганини алоҳида эътироф этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Ҳар бир халқнинг беназир маънавий бойликларидан бири, шубҳасиз, унинг она тилидир, - деди партия етакчиси. — Зеро, тил одамларни миллат сифатида бирлаштиради, яъни халқнинг ўзлигини намоён қилади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув-қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда."

Миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилига юксак эътибор туфайли 21 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонлаш анъанага айланди.

2-бет

## Фракция ҳаёти

# Долзарб қонун лойиҳалари

**муҳокама қилинди**



***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Фракция аъзолари дастлаб, "Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Ушбу Кодекс давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини тартибга солиш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ва давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таъкидланганидек, Бюджет кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан асосий мақсад — бюджет жараёнини тартибга солувчи ҳамда амалдаги қарама-қарши ва эскирган меъёрларни бартараф қилувчи ягона қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш, шунингдек, амалда қўлланилаётган меъёрлар, низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштиришдан иборат. Ҳозирги вақтда бюджет жараёни бир нечта қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, бу эса алоҳида меъёрларнинг турлича талқин қилинишига ва уларни амалга оширишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси лойиҳаси ўзида «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунлар, бюджет жараёнининг алоҳида масалаларини тартибга солувчи олтита қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган. Хусусан, Бюджет кодекси лойиҳасида амалдаги меъёрларни кенгайтириш билан бир қаторда, бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари, давлат томонидан маблағ жалб қилиш, бюджет ижроси устидан назорат ва қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни акс эттирувчи янги моддалар қўшилган. Бундан ташқари, Бюджет кодекси лойиҳасида давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳам қамраб олинган, тушунчалар рўйхати кенгайтирилган.

4-бет

**Диққат обуна!**

«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишга шошилинг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

**Индекс: 158**





# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

*Нашр кўрсаткичи — 158*



Тил — миллатнинг руҳи



# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИ

**она тилимизни асраш, авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш — ЎзМТДП эътиборида**

(Давоми. Боши 1-бетда)



Соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Унда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг рамзлари қаторида турадиган ва қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Жумладан, бугунги кунга келиб жаҳон халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, давлат мадҳияси қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бериб келмоқда. Қолаверса, она тилимиз компьютер ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин-тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу тилимизнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, нотиқ ўз сўзида Давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтиришда ЎзМТДПнинг вазифаларига эътибор қаратди.

— Ҳали юртимиз мустақилликка эришмаган, сиёсий беқарорлик авж олган 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва "Давлат тили тўғрисидаги" Қонун орқали унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши ота-боболаримиз орзиқиб кутган ҳурлик учун қўйилган илк қадам эди. Шундай экан, миллатимиз миллийлигини намоён қилувчи она тилимиз софлигини сақлаш, уни бойитиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қарашимиз даркор. Зеро, тил миллат тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Шу боис, партиямиз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ёшлар онгида тилимиз, миллий рамзларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, қадриятларимизни асраб-авайлашга кўмаклашишга қаратилган тадбирларни сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимиз лозим. Бундан ташқари "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш жараёнида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДП-дан сайланган депутатлар ваколатлари доирасида парламент ва депутатлик назоратини кучайтиришлари, фаоллик кўрсатишлари зарур, - деди пировардида партия етакчиси.

Таъкидланганидек, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 24 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида тилимиз янада сайқал топиб, дунё тиллари орасида ўзига хос ўрин ва нуфузга эга бўлиб бормоқда. Она тилимизнинг жамият ҳаётида чуқур ўрин эгаллашида унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Тил умумбашарий қадриятдир, - деди тадбирда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов. — Халқнинг барча илмий мероси, ёзма ёдгорликлар, асарлар, қўлёзмалар тил воситасида келажак авлодга етказилади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, "Давлат тили тўғрисида"-ги ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар ёш авлод вакилларида она тилимизга бўлган ҳурматни, ундан ғурурланиш туйғуларини мустаҳкамлаш баробарида тилимизни чуқур ўрганиш ва унинг софлигини сақлашга бўлган масъулиятнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов маъруза қилиб, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши тарихи, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада ошириш хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Энг қувонарлиси, давра суҳбатида иштирок этган талабалар, жумладан, Никита Чернишёв ва Артём Марков ўз фикр-мулоҳазалари, муносабати, халқ мақоллари ҳамда мумтоз адабиётимиздан намуналарни ўзбек тилида равон ва эмин-эркин ифода қилиб бердилар.

Давра суҳбатида партия томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинар экан, мазкур масалаларда ЎзМТДПнинг ролини янада кучайтириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбирнинг бадиий қисмида таниқли санъаткорлар томонидан ватанпарварлик, миллий қадриятлар ва она тилимиз мадҳ этилган куй-қўшиқлар ва миллий рақсларимиздан намуналар намойиш этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар музейдаги Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, тангалар, сопол ва мис буюмлар ҳамда юртимиз ва хориж рассомлари асарлари билан танишдилар.

***Дилбар РАШИДОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи:***

— Бугунги кунда давлат тили кенг миқёсда фаол мулоқот воситасига айланмоқда. Хусусан, халқаро ҳужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса тилимизнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси дастури ва сайловолди Платформасида миллий тилимиз софлигини асраш, нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Тадбирда мазкур масалаларда ЎзМТДПнинг ролини кучайтириш борасида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

***Артём МАРКОВ,***
***Тошкент кимё технологиялари институти талабаси:***

— Гарчи миллатим рус бўлсада, ўзбек тилида равон сўзлай олишим, ўз фикр ва мулоҳазаларимни эркин ифода этишим билан фахрланаман. Давлат тилини ўрганиш ва бу тилни ҳурмат қилиш ҳамда сўзлай олиш шу юртда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг бурчидир. Ўзбек тилини ўрганиш орқали биз ёшлар ушбу тилда ёзилган кўплаб нодир асарларни асл ҳолатида ўқиш имкониятига эга бўламиз. Мамлакатимизнинг миллий маданияти, қадриятлари ва урф-одатлари хусусидаги китоблар эса бизнинг дунёқарашимиз ҳамда билимимиз ошишига хизмат қилади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ўзбек тили тарихи, ривожланиш босқичлари, ҳозирги ҳолати тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлдик.

***Шаҳзода ЭРГАШЕВА,***
***тадбир иштирокчиси:***

— ЎзМТДП томонидан ташкил этилган тадбирда тилимизнинг гўзаллиги ва равонлигини сақлаш хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалар ёшларни она тилимизни янада асраб-авайлашга ундади. Тадбир давомида маърузачилар таъкидлашганидек, бугун кундалик ҳаётимизда ўзбек тилининг ривожланиши билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам учраб турибди. Бу масалага ҳар биримиз жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Зеро, тилда ҳар бир миллатнинг буюклиги, ўзлиги, анъаналари намоён бўлади. Тилимизнинг равнақи, барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшиш биз ёшларнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Ташаббус ва натижа

# Буюк манзилларга йўл

**маҳалладан бошланади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан киритилган ташаббус-масала маҳалла институти фаолиятига қаратилди**

***ЎзМТДП сайловолди Платформасида миллий қадрият ва анъаналарнинг ифодаси сифатида маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, уларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлашга партиянинг юқори ва қуйи ташкилотлари доирасида эътибор қаратилмоқда.***

ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тарғибот тадбирларига маҳалла фаоллари, уларда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар таклиф этилиб, маҳалла ва партия ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам партия ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан суҳбат ва учрашувлар ўтказишмоқда. Мазкур учрашувларда аҳолининг фикр-мулоҳазалари, муаммолари билан қизиқиб, улар ечимини топишга ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилишмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги 10 нафар депутатдан иборат ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам маҳалла институтини ривожлантириш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга жалб қилиш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДПнинг асосий электорати ҳисобланган зиёлилар, халқ таълими ходимлари, ҳунармандлар билан маҳаллаларда доимий ҳамкорлик олиб боришмоқда. Партиянинг турли тадбирларида уларнинг иштирокини таъминлашга, қадриятларимиз давомчиларининг миллий ҳунармандчилик кўргазмаларини ташкил этишга кўмаклашилмоқда. Бу эса маҳалла аҳли орасида партиямиз ғояларини кенг тарғиб этилишига хизмат қилмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма саккизинчи сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан олиб кирилган ташаббус-масала ҳам бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари масаласи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши муҳокамасидан ўтиб, қарор қабул қилинди.

— Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда, - дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Қосимов. — Бу жараёнда, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида инсон омилининг устуворлиги фуқароларда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда. Мазкур ислоҳотларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Қадриятларимиз бешиги саналган маҳалла институтини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тобора такомиллашиб бораётгани эса маҳалланинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан ёрқин далолат беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, депутатлик гуруҳимиз томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилган мазкур ташаббус-масала партиямиз позицияси билан бевосита алоқадор. Боиси, партиямизнинг дастурий мақсадлари миллий анъана, қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, уларни ривожлантириш ва келгуси авлодга бекаму-кўст етказишдан иборат. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, маҳаллалар орқали амалга оширилади. Демак, олдимизда турган долзарб вазифалардан бири маҳаллада истиқомат қилувчи электоратимиз вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришдан иборат. Шаҳар Кенгаши сессиясига киритилган ташаббус-масала айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди, - дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилишига замин яратди. Концепция асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтирди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши маҳалланинг ваколати, ҳуқуқ ва имкониятлари янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Шаҳар кенгаши сессияси қарорида бу борада масъул идора ва уларнинг вакилларига муайян вазифалар берилди, - дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Дониёр Аюпов. — Жумладан, туман ҳокимликларига "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолият учун зарур шарт-шароит яратиш ва маҳалла идораларини таъмирлашга кўмаклашиш, шунингдек, ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ваколат доирасида ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш вазифаси юклатилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлимига шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш фаолиятини ўрганиш, ижобий тажрибаларини оммалаштириш ҳамда уларга услубий-амалий кўмак бериш белгиланди. Шу билан биргаликда улар зиммасига "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ваколатларидан фойдаланиш тартиби бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш юклатилди.

Тошкент шаҳар Молия бошқармасига келгуси йил маҳаллий бюджет параметрларида маҳалла фуқаролар йиғинларининг коммунал хизматлари учун тўловларни қоплаш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини рағбатлантириш учун зарур маблағ ажратиш вазифаси белгиланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқоридаги вазифалар баробарида жойларда қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва қонуний ваколатлардан тўлақонли фойдаланиш, эҳтиёжманд оилаларга эътибор қаратиб, давлат ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағларни адолатли тақсимлаш каби юмушлар юклатилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жорий йил ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни намунали ташкил этишда ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари" борасидаги ташаббуси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда Конституция ва қонунларнинг устувор бўлишига эришиш, Конститутциянинг моҳиятини ёшларга тушунтириш, демократик жамиятни барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, уларда Она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг миллий - маънавий жиҳатдан янада тикланиши ва ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни тарғиб қилиш ҳамда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир"** танловини эълон қилади.

**Танлов шартлари:**

1) Танловда мамлакатимизда истиқомат қилувчи 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этади.

2) Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

➔ Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт нусхаси);

➔ Партия аъзоси бўлиши (аъзолик гувоҳномасидан нусха);

➔ Ўқиш ёки иш жойидан маълумот;

➔ 2 дона рангли фотосурати.

3) Тақдим этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:

— мақолада Конституциямизда ифодаланган инсонпарварлик ва демократия тамойили, Ўзбекистон Республикасида истиқомат килувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилиниши таъминланганлиги, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги борасидаги фикр-мулоҳазалари акс этиши;

— Танловга тақдим этилган мақолалар танлов учун махсус ташкил этилган электрон почтага (yoshlarqanoti@mail.ru) ва Ташкилий гуруҳ номига юборилиши ҳамда танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин 2013 йилнинг 28 ноябрига қадар мамлакатимиздаги босма оммавий ахборот воситаларида (газета ва журналлар)да чоп этилган бўлиши шарт.

**Танловни ўтказиш тартиби**

Танловга тақдим этилган мақолалар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Танлов жорий йилнинг **23 октябридан 28 ноябрга** қадар давом этади. Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

**Танлов ғолибларини рағбатлантириш**

— Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар Республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади;

— Ғолиблар қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланади.

Тақдим этиладиган мақолалар (асл ва электрон нусхалари) **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир"** танловига деган қайд билан **2013 йилнинг 30 ноябрига** қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

*Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси 30 уй (Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлимига).*

**Ташкилий гуруҳ**

Давра суҳбати

# Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

### партия ташкилотларидан алоҳида масъулият талаб этади

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "ЎзМТДП тизимида хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***



Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари "Аёллар қаноти" фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, профессор-ўқитувчилар, олимлар, тадқиқотчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди:

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда партиямиз аъзоларининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Сенатида 2 нафар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эса 5 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 187 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутат аёллар фаолият олиб боришмоқда, - деди партия раҳбари.

Давра суҳбатида ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, ўтаётган ҳар бир кун бизни тобора парламент ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига яқинлаштираётгани, мазкур жараёнда хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги сайлов таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ЎзМТДП томонидан квоталар бажарилган бўлсада, аёлларнинг сайланиши нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилган. Бу эса биздан сайловга қадар аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари сони ва сифатини янада оширишни, ҳар томонлама етакчи ва ташаббускор хотин-қизларни ЎзМТДП сафига кенгроқ жалб қилишни талаб этади.

Тадбирда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жамила Ниязова мамлакатимизда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишдаги аҳамияти хусусида маъруза қилди:

— Президентимизнинг "Жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатига қараб, унинг маънавий-маданий савияси ҳамда демократик ислоҳотлар йўлида қанчалик илгарилаб бораётгани ҳақида хулоса қилиш мумкин", деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Ҳақиқатдан ҳам, айнан аёлнинг жамиятдаги ўрнидан ўша жамиятнинг маънавий-маданий савияси намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлашнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари аёлларнинг давлат ва жамиятдаги мавқеи ва нуфузининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Ўрни келганда айтиш жоизки, партиямизнинг "Аёллар қаноти" хотин-қизлар сиёсатини амалга ошириш борасида аниқ белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ёшлари, хотин-қизлар орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, сиёсий етакчилик қобилиятини шакллантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга кўмаклашишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, юксак билим ва малакага эга бўлган хотин-қизларнинг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия электоратининг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилик борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Партиямизнинг мазкур йирик лойиҳаси нафақат партия "Аёллар қаноти" таркибида билимли, истеъдодли кадрлар салмоғини ошириш, балки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар орасида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашларида катта аҳамият касб этмоқда, - деди нотиқ.

Йиғилишда иштирокчиларга сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки, хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усуллари, аёлларнинг лидерлик ва етакчилик фазилатлари ҳамда партия "Аёллар қаноти"нинг имиджи масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадбир якунида партия "Аёллар қаноти"нинг аъзолар билан ишлаш ҳамда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишдаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Хроника

# Партия мақсад ва вазифалари тарғиботи

### ҳудудий Кенгашларда ўтказилган тадбирларнинг асосий мазмунини ташкил этди

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Шуманай туман Кенгаши ташаббуси билан "Тинчлик ва осойишталик — тараққиёт кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугунги фаровон ва осойишта ҳаётимиз замирида тинчлик деган улуғ неъмат ётади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари С.Изимбетов. — Мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" юртимизнинг ўз тараққиёт йўлини танлаб, ҳар бир соҳада юксак марраларни забт этишига замин яратмоқда. Туман Кенгашимиз ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбир фуқароларимиз онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, мустақиллик ғояларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, мустақиллик йилларида бошланган улуғвор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар сирасига киради.

Фикр-мулоҳазаларга бой руҳда ўтган тадбирда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда барча фуқаролар масъул экани, тинчлик учун доимо курашиб яшаш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Тадбир якунида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва партия туман Кенгаши бу борада ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

## НАМАНГАН

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшлар ва болаларни турли маънавий-ахлоқий таҳдидлардан, гиёҳвандлик сингари иллатларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида халқимизга хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада, айниқса, партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ёш авлоднинг ўрни ва роли ортиб бораётган бир пайтда айрим ёшларнинг гиёҳвандлик тўрига илиниб қолаётгани, гиёҳванд ота-онадан ногирон, ақлан ва жисмонан заиф фарзандларнинг дунёга келаётгани барчамизни ҳушёрликка, огоҳликка даъват қилиши лозим, - деди ЎзМТДП Мингбулоқ туман Кенгаши томонидан "Гиёҳвандлик — аср вабоси" мавзусида ташкил этилган тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси И.Йўлдашев. — Ҳозирги кунда глобал муаммога айланган, "аср вабоси" деб юритилаётган ушбу иллатга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиздир. Ота-оналар, маҳалла, таълим муассасалари вакиллари ёшларга бу иллатнинг зарарли оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришлари, ёш авлод вакилларини "оммавий маданият" ниқоби остида четдан кириб келаётган турли ёт тушунчаларнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиши ва соғлом турмуш-тарзини қарор топтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиб туришлари лозим.

Давра суҳбатида гиёҳвандликнинг авж олишига аксарият ҳолларда хорижда ишлаб чиқарилаётган жангари, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи фильмлар сабаб бўлаётгани, ҳали ўз қатъий фикрига эга бўлмаган айрим ўсмирлар осонгина уларнинг таъсирига тушиб қолаётгани ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида барча бирдек масъул ва жавобгар экани таъкидланди.

Тадбирда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## БУХОРО

ЎзМТДП Олот туман Кенгаши томонидан "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Баркамол авлод маркази ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши етакчи мутахассиси М.Ҳайдарова Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуни мазмуни ҳамда давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилаётган шароитлар хусусида гапириб, жумладан, шундай деди: — Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун ана шу эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бериб, улар ҳар соҳада Ватанимиз шон-шуҳрати, нуфузини дунё миқёсида кўтаришга интилмоқда. Бу борада партиямиз ҳам мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этишни, ёшларнинг замонавий билим, касбкор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилишига эришишни ўзининг ўта муҳим вазифаси деб билади.

Тадбирда бугунги кунда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги, юртимиз келажаги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси эртанги кунга дадил қадамлар билан интилаётган ёшларга ҳар жиҳатдан боғлиқ эканлиги таъкидланди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Сиёсий партиялар мақсад ва вазифаларининг фуқароларга аниқ ва тушунарли тарзда етиб бориши партия ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг сиёсий билимига, касбий малакасига бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан партия ходимларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлашини тўғри ташкил этиш, уларнинг интервью бериш маҳоратини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Партия тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини ошириш мақсадида ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан маънавият соатлари ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбир ЎзМТДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят Кенгаши ходимлари иштирокида ўтди. Йиғилишда ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Б.Абдураҳмонов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: — Бугунги кунда барча даражадаги партия ташкилотлари ходимлари ҳамда депутатлик гуруҳлари аъзоларининг оммавий ахборот воситаларига интервью бериш маҳоратини янада ошириш, уларда интервью бериш кўникмаларини шакллантириш, айниқса, унда партия позициясини, дастурий мақсад-вазифаларини акс эттира олиш маҳоратини юксалтириш долзарб масалалардан саналади. Партия сайловолди Платформаси, Дастури ва Уставини пухта ўзлаштирган партия ходимигина фуқароларни партия ғояларига, мақсадларига ишонтириб, уларни ўз ортидан эргаштира олади. Шундай экан, партия сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим нафақат радио, телевидениедаги чиқишларда, балки вилоят ва туман ҳудудларидаги учрашувларга ҳам алоҳида тайёргарлик кўриши лозим.

Тадбир якунида бундай ўқувларни мунтазам ташкил этишга келишиб олинди.

Тарғибот

***Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланаётган бир пайтда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, юртимизда юз бераётган демократик янгиланиш жараёнларига таъсири кучайиб бормоқда.***

# Ёшлар камолоти

### юрт равнақи

Ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар шароитида фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига демократик қадриятлар ва миллий ғояни сингдириш, уларда шу юртнинг келажагига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш ЎзМТДПнинг асосий мақсад ва вазифаларидан саналади.

Партия Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман Кенгашлари ҳамда Яккасарой туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда партия Тошкент шаҳар, Яккасарой туман Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Яккасарой туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш, кенг кўламли ислоҳотлар даврида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини ёшларга сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ ва юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, улар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга кўмаклашиш партиямизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади, - деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерзод Тошматов. — Истиқлол берган имкониятлар сабаб бугун ёш, навқирон авлод ўзини ҳар соҳада намоён этиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга, Ватанимиз обрўсини жаҳон миқёсида кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Ушбу тадбир партия сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилаётган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишга борасидаги устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида бошқа жамоат ташкилотлари қатори сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилаётгани, бу борада кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказишга ҳаракат қилаётгани эътироф этилди. Шунингдек, фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва салоҳиятини оширишга қаратилган бундай тарғибот тадбирларининг сони ва сифатини янада ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш

### қуйи бўғин фаолиятининг сифатли ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ



***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар ҳам фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни қарор топтириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга интилмоқда.***

Партиянинг халқ орасидаги нуфузи ошиши, партия ғоя ва мақсадларининг кенг оммага етиб бориши, электорат манфаатларининг ҳимоя қилиниши эса кўп жиҳатдан қуйи бўғинлар фаолиятининг қай даражада ташкил этилганига боғлиқ.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман Кенгашлари ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси ҳамкорлигида "Бошланғич партия ташкилотларининг таъсирчанлик шакллари ва фаоллигини ошириш йўллари" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, "Миллий тикланиш" газетаси ижодий жамоаси, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда учраётган айрим муаммолар ечими, уларни маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқишда маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлар ва қуйи бўғинлар ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида партия ғоя, мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилишда партиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган қуйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади, - деди партия Юнусобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Зафар Файзуллаев. — Бу борада бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда малакасини муттасил ошириб бориш борасидаги ўқувларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ўтказилаётган бундай тадбирлар партия дастурий мақсад ва вазифаларининг кенг жамоатчилик орасига чуқур кириб боришига, аҳолида бошланғич партия ташкилотлари фаолияти хусусида тўла тасаввур шаклланишига, хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Эътироф этилганидек, бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда "Миллий тикланиш" газетаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаоли Муҳтарама Комилова сўзга чиқиб, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда қуйи бўғинлар фаоллиги алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. — Қуйи бўғинларни партиянинг ҳаракатлантирувчи кучига, таъбир жоиз бўлса, унинг қон-томирига қиёслаш мумкин. Партия ғоялари, мақсад ва вазифалари юртимизнинг энг чекка ҳудудларига айнан бошланғич партия ташкилотлари кўмагида етказилади. Шу жиҳатдан қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш ЎзМТДПнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга, партияга хайрихоҳ инсонлар сафи кенгайишига хизмат қилади. Таҳририятимизда ҳам бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, ЎзМТДП ғояларига ҳамоҳанг турли тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда бир гуруҳ хайрихоҳлар партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Саҳифани «Milliy tiklanish» мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

### Фракция ҳаёти



# Долзарб қонун лойиҳалари

## муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, бюджет маблағларининг манзилли ҳамда мақсадли сарфланиши, ғазнанинг ягоналиги, жавобгарлик, очиқойдинлик (ошкоралик) каби бюджет тизими тамойилларига қўшимча киритилди.

Лойиҳада бюджет жараёни барча иштирокчилари ҳамда турли даражадаги бюджетларнинг ваколатлари чегараланиб, бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилди. Бюджет ижроси қисмида эса Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тасдиқланган параметрларига ўзгартириш киритиш тартиби соддалаштирилди. Шунингдек, Бюджет кодекси лойиҳасида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ давлат секторида бухгалтерия ҳисоби стандартларини жорий қилиш, расмий веб-сайтда бюджетлар параметрлари ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, бюджет ташкилотларида текширишлар даврийлиги ва муддатларига чеклов киритишни назарда тутувчи меъёрлар ва қоидаларни тизимлаштириш назарда тутилмоқда.

— Юртимизда демократикислоҳотларни амалга ошириш жараёнида барча соҳалар қатори миллий молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Хусусан, давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва ижро этиш масалалари 45 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади. Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда бюджет тизимида юз бераётган ўзгаришлар тегишли қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва бюджет жараёнининг ягона қонунчилик базасини яратиш, миллий бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлаштириш мақсадида Бюджет кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-муддаоларида акс этган бюджет-солиқ сиёсатини доимий равишда такомиллаштириш, юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Фракция аъзолари кун тартибидаги навбатдаги масала - «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мақсади қонунчилик ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси билан мувофиқлаштиришдан иборат. Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»-ги Қонунлари ўз кучини йўқотган деб топиш белгиланмоқда.

Йиғилишда «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш янада рағбатлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини ҳамда 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони нормаларини бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш, чет эл инвесторларининг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тайёрланган.

Қонун лойиҳасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Қонун лойиҳасининг мақсади чет эл инвестицияларини, айниқса, саноатнинг юқори технологик соҳаларига жалб этишни янада рағбатлантириш, инвестицион муҳитни такомиллаштириш, мамлакатимизда чет эл инвесторларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Хусусан, чет эллик инвесторларга юқори замонавий технологиялар жалб этиш ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда қўшимча кафолатлар ҳамда уларни ҳимоя қилиш чоралари берилиши белгиланмоқда. Шунингдек, чет эллик инвесторнинг улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигининг ўзгармаслиги бўйича кафолат берилади.

Қонун лойиҳасида қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилишнинг асосий механизми сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва чет эллик инвестор ўртасида, чет эллик инвесторнинг тегишли инвестиция мажбуриятлари мустаҳкамланган. Шунингдек, инвестиция шартномалари тузилиши, чет эл инвесторлари — жисмоний шахслар, чет эл инвесторлари — юридик шахслар раҳбарлари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда уларнинг улуши (ҳиссаси) мавжуд бўлган даврда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўп мартали визаларни олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ҳамда қолиш ҳуқуқи белгиланмоқда.

Муҳокама чоғида сўз олган фракция аъзолари партиянинг Ўзбекистон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучли ташқи иқтисодий стратегияни рўёбга чиқариш, мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш каби дастурий вазифаларини амалга оширишда ушбу қонун лойиҳаси ҳуқуқий асос бўлишини таъкидладилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

***Эркин ЮСУПОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Йиғилишда муҳокама қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси партиямизнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатининг стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий тарзда оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлат сиёсатининг устуворликларига мувофиқ, бюджет ресурсларини ажратиш ва давлат харажатларини самарали бошқариш миллий стратегик мақсадларга эришишда муҳим жиҳат ҳисобланади. Фракциямиз аъзоларининг фикрича, бюджет тизимини ислоҳ қилиш чоғида узоқ муддатли вазифаларни амалга ошира бориб, тараққиётнинг стратегик йўналишларида, хусусан, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш, фан ва маданият каби соҳаларда лойиҳалар, дастурларни молиялаштиришнинг муқобил даражасини қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Эътироф этиш жоизки, Бюджет кодекси лойиҳасида ўз аксини топган янги ёндашувлар бюджет ресурсларини, бир тарафдан, дастурлар ва бюджетдан маблағ олувчилар бўйича, бошқа тарафдан, уларнинг самарадорлиги ва сермаҳсуллиги бўйича тақсимлашда бевосита боғлиқликни ўрнатиш имконини беради.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

### Қонун лойиҳасига шарҳ

# МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ

## борасидаги янги қонун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига хизмат қилади

***Мамлакатимизда “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Фуқароларимиз бу қонун нима тўғрисида, у нима мақсадда қабул қилинди, аҳолига қай даражада фойдали эканлиги билан қизиқишлари шубҳасиз.***

Барчамиз маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчиси саналамиз. Харид чоғида ҳар биримизда “мен харид қилаётган маҳсулот хавфсизмикан?”, “товар унинг қадоғида кўрсатилган кўрсаткичларга мосми?”, “у сифат, экологик параметрлар, хавфсизлик, тежамкорлик, ишончлилик, фойдалилик ва самарадорлик каби мезонларга мувофиқми?” деган саволлар пайдо бўлиши табиий. Товарнинг ана шундай хусусиятларини стандартлар, қоидалар ва бошқа ҳужжатлар талабларига жавоб беришини аниқлаш имконини берадиган жараён мувофиқликни баҳолаш, деб аталади.

Истеъмолчилар учун мувофиқликни баҳолаш товар ёки хизматларни танлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Истеъмолчилар етказиб берувчининг расмий декларацияси, маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги ва бошқа лозим бўлган кўрсаткичларидан далолат берувчи сертификат ёки сертификациядан ўтганлиги тўғрисида белгиси бўлган маҳсулотларга кўпроқ ишонч билдирадилар. Ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўз маҳсулоти ёки хизматлари эълон қилинган кўрсаткичлар ҳамда истеъмолчиларнинг хоҳишларига мос келишини истайдилар. Маҳсулотлар ва хизматларни ISO ва IEC халқаро стандартларга мувофиқ баҳоланиши бугунги ривожланиб бораётган технология ва билимлар даражасига ҳамоҳанг тарзда ривожланиш, нуқсонли маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган зарарларнинг олдини олиш имконини беради.

Соғлиқ, хавфсизлик ва атроф-муҳит тўғрисида гап борганда, кўп ҳолларда қонунчилик даражасида мувофиқликни баҳолаш мажбурий этиб белгиланади. Ўрнатилган тартибда баҳоланмаган ва тасдиқланмаган товар сотувга рухсат этилмаслиги ёки сотувдан четлатилиши мумкин.

Биз фикр юритаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқни амалга оширишда экспортчилар учун маҳсулотни синаш ёки сертификатлаштириш нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади. Мувофиқликни баҳолашнинг шаффоф бўлмаган айрим тартиб-таомиллари савдо-сотиқ учун тўсиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли мувофиқликни баҳолашга доир жаҳон миқёсидаги тартиб-таомилларни уйғунлаштириш, нафақат ички, балки халқаро савдо-сотиқ учун ҳам кенг имкониятлар яратади.

2014 йилнинг 5 апрелидан эътиборан кучга кирадиган Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонуни мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилади.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонунда мувофиқликни баҳолашнинг асосий тушунчалари ва халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштирилган принциплари ўз аксини топган. Хусусан, аккредитация бўйича фаолиятни сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни амалга ошириш, маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини бериш ҳамда экологик экспертиза ўтказишга доир фаолият билан қўшиб олиб борилишига йўл қўймаслик принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, мувофиқликни баҳолаш унинг ягона қоидалари ва тартиб-таомилларини қўллаш, у ҳақдаги ахборотнинг ишончлилиги ва очиқлигини таъминлаш, аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар қўйишга ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймаслик, давлат, тижорат ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг сақланиши каби принципларни ўз ичига олади.

Қонунда мувофиқликни баҳолашнинг объектлари ва уни амалга ошириш йўллари ҳам акс этган. Қонунчилик даражасида мувофиқликни декларациялаш, яъни маҳсулотнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ижрочи томонидан тасдиқлаш каби мувофиқликни баҳолашнинг янги, соддалаштирилган йўллари мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги қонунда мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг ваколатлари аниқ белгиланди. Унда мувофиқликни баҳолаш бўйича органларни аккредитация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги миллий аккредитация органи этиб белгиланди. Аккредитация шартлари, унинг соҳасини ўзгартириш ҳамда аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш каби масалалар батафсил тартибга солинган.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги» Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунлари ҳамда мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштирилишини таъминлайди. Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот халқаро миқёсда эътироф этилишига хизмат қилади. Мазкур қонун ЎзМТДП сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиши шубҳасиз.

**Жамила НИЁЗОВА,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

### Ҳуқуқий эксперимент

# Қонун такомиллашуви

## унда субъектлар фаоллиги муҳим ўрин тутади

***Президентимиз Фармойишига асосан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси синови бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётгани ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни Республика Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Айтиш жоизки, Савдо-саноат палатаси бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар вакилларининг таянчи, суянчи ҳамда ҳимоячисига айланиб бормоқда. Демак, энг аввало, ушбу соҳа вакилларининг ахборотга бўлган талабини қондириш палатанинг бош мақсадига айланиши табиий. Хўш, бошқарма томонидан бу вазифа қай даражада амалга оширилмоқда? Хусусан, ҳуқуқий эксперимент субъекти сифатида ташкилотнинг мазкур жараёндаги иштироки қай ҳолатда? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида бошқарма мутахассисларига мурожаат қилдик. Бошқармада фуқароларни қабул қилиш жадвали, ташкилотнинг иш тартиби ва раҳбариятнинг қабул кунлари акс этган стендлар барчага кўринадиган жойга илиб қўйилган. Энг асосийси, бошқармада Ахборот хизмати ташкил этилган бўлиб, ташкилотга мурожаат қилувчиларга керакли маълумот ва ахборотлар ўз вақтида бериб борилмоқда.

Республика Савдо-саноат палатасининг вилоятдаги ҳудудий бошқармаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Ҳуқуқий эксперимент жараёни юзасидан бир неча бор газета ва телевидениеда чиқишлар уюштирилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар ташкилотдаги тарғибот ишлари кўламидан далолат беради. Бундан ташқари бошқармага янги фаолият бошлаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлардан 7 та оғзаки ҳамда 4 та ёзма равишда мурожаат бўлган. Ушбу сўровларнинг барчаси ижобий ҳал этилган.

Бошқармага келган мурожаатларни ахборотлаштириш тизими жорий қилингани ҳам диққатга сазовордир. Бу тизим мурожаатларнинг эътиборсиз қолиб кетмаслиги ва уларга ўз вақтида жавоб қайтарилишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бухоро вилоят Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси барча маълумотларни ўзининг юқори Республика ташкилоти веб-сайти орқали эълон қилади. Палатада электрон маълумотлар базаси мавжуд. Шунингдек, электрон ахборот - киоск йўлга қўйилганки, ундан тадбиркорлар, соҳага қизиқувчилар бемалол фойдаланишлари мумкин. Айниқса, бизнес режалар базаси палатанинг Ахборот таҳлил маркази иш фаолияти ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Палатада Сиско аппарати ҳам ўрнатилган бўлиб, у орқали Республика Савдо-саноат палатаси ва ҳудудий бўлимлари билан видео мулоқот, видеоконференциялар ташкил этиш мумкин. Айни пайтда бухоролик соҳа вакиллари бошқа вилоятлардаги ҳамкорлари билан мазкур аппарат орқали тадбиркорлик йўналишидаги зарур масалаларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухоро вилоят Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳуқуқий эксперимент субъекти сифатида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга ҳисса қўшмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фуқароларни ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида хабардор этиш тартиб-тамойилларини белгилаб бермоқда. Қолаверса, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, ахборот соҳасида фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Бунда ҳуқуқий эксперимент амал қилаётган вилоятлар аҳолиси ҳамда ташкилот ва идоралар лойиҳанинг мукаммал қонун даражасига етиши учун амалий ҳаракатлари, таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишлари лозим.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

### 2013 йил — Обод турмуш йили

# Ҳунардан эъзоз топиб...

***Мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, халқ ижодиёти соҳасига ёшларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Жиззахлик ҳунармандлар яратган миллий услубдаги турли сопол буюмлар, девор ва устун пештоқларига ўрнатилган безакли кошинлар ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Кулол Файзулла Жўрабеков сополдан чинакам санъат асари яратаётган моҳир ҳунармандлардан. Уста ўз шогирдлари билан Ғаллаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос, Саврук ота, Зомин туманидаги Парпи ота мақбаралари, Жиззах туманидаги Хўжа Ғозиён зиёратгоҳи каби ўнлаб тарихий меъморий обидаларни қайта тиклаш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли кулолчилик санъати ҳам ривожланмоқда, - дейди Ф.Жўрабеков. — Мана шундай улуғвор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлганимдан, ҳунармандчиликни ривожлантириш, уни келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларга оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Ота мерос касб билан шуғулланаётганимга йигирма йилдан ошди. Шу вақт оралиғида 70 дан зиёд шогирд тайёрладим. Бугун улар нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларида самарали меҳнат қилаётир.

Вилоятда мактаб ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билан ҳамкорликда “Касбим — фахрим”, “Қиз боланинг ҳунари — бахти”, “Барака — ҳунарда” каби мавзуларда турли тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани ёшларни ҳунармандчиликка жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Бугуннинг гапи

# Боланинг бегонаси бўлмайди

***Ён-атрофимизда, маҳалламизда қайсидир бола эътиборсиз ёки қаровсиз қолган бўлса бунга-да бепарво бўлмаслигимиз шарт. Зеро, болалар ҳаётидаги кўзга кўринмас камчилик эртага катта муаммога сабаб бўлиши мумкин.***



Бир гуруҳ ўсмир ёшидаги йигит-қизлар йиғилиб туришибди, бири бир тутам сочини бошининг ўртасида қолдириб, турли рангга бўяб олган бўлса, иккинчиси даҳанига темир қадаб, қулоғига зирак таққан. Бу ҳам етмагандек, йигитчаларнинг устидаги либосларида турли-туман маъносиз сўзлар битилган. Қизлар эса сочининг бир томонини олиб ташлаб, иккинчи томонини узун қилиб ўстириб олган. Ўсмирларнинг юз-кўзларидаги маъносизлик ва совуқликни кўриб ҳайратинг ошади. Яна бир жойда эса, эгнида одам бошининг склети туширилган футболка, билагида ҳайвон тишини эслатувчи тақинчоқ, елкасига "Мен вампирман", деган ёзув осиб олган бир қизни учратасиз. У атрофга маъносиз боқар, бироқ зимдан ўлжа излаётгани шундоқ кўриниб турибди. Уни бу алфозда кўрган кимдир ҳайратланиши, яна кимдир томошабин бўлиши, баъзилар эътиборсиз ўтиб кетиши шубҳасиз. Бироқ унга қизиқиб қараётганларнинг аксарияти ўсмир ёшидаги йигит-қизлар. Елкасида билиб-билмай "қонхўрлик"ни тарғиб қилаётган қиз ҳам улар билан тенгдош. Унинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолгани аниқ, аммо бошқаларни ҳам ўзининг сафига қўшишга интилаётгани ташвишланарли.

Ўсмирлар орасида услуб, имидж тушунчалари анча оммалашган. Ажабтовур кийинган ёки тирноғини турли рангга бўяб, сочларини ноанъанавий тарзда турмаклайдиган ёшларни кўрсак, бу шунчаки урф ёки услубдир-да, деймиз. Аслида улар "Гот", "Эмо" номи билан ёшлар ўртасида оммалашиб бораётган хатарли оқим вакиллари ҳисобланади. Азадорлар қиёфасини эслатувчи "Гот" услуби айни пайтда нафақат Европа, балки Осиёдаги айрим давлатлар ёшларининг ҳам маънавиятига чанг солмоқда. АҚШ, Англия, Финляндия, Франция, Италия, Япония ўсмирлари орасида шу услубда кийиниш урф бўлиб бормоқда. Ғарбда қопқора кийинадиган эркакларни "гот", аёлларни эса "готесса"-лар деб аташади. Улар ўзларини азадор, ғамгин, таркидунёчи қилиб тутишади. Уларнинг энг мудҳиш маросими ва одатлари ташландиқ қабристонларда қабрлар бошида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ўйин-кулги билан ўтказишдир. Бизда айнан шу оқимга кириб қолганлар бор деёлмаймиз. Бироқ уларнинг юриш-туриши, соч турмагига қараб айрим ёшларимиз уларга таассуб қилаётганини англаш қийин эмас.

Ана шундай имиджни ўзига эп кўрган ёшлардан бу ҳақда сўраганимизда интернет ва турли киноларда кўрганларига тақлид қилишганини, айрим ўсмирлар эса атрофдагилар эътиборини ўзига тортиш мақсадида эканлигини таъкидлашди.

— Бу каби ҳолатлар инсон онгига ўзи истамаган ҳолда салбий таъсир эта бошлайди,- дейди психолог Хўжакелди Алимов. — Ёшларни бундай инсониятга ёт бўлган иллатлар қобиғига кириб бориши бир қарашда инсон эрки билан боғлиқ ҳолат бўлиб туюлса-да, лекин унинг барча кўринишлари инсоннинг фикрлашига, тафаккур тарзига зид экани аён бўлади.

Хўш, бундан кўзланган асл мақсад нима? Фикрсизлик йўли билан тобе қилиш куч ишлатиб бўйсундирилганга нисбатан минг чандон фожиали эканлигига тарихдан мисоллар жуда кўп.

Халқларнинг маданиятига чанг солаётган "оммавий маданият" тарғиботчиларининг асл мақсади ҳар кўйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантиришдир. Шу боис, у маънавий озуқа берадиган, бадиий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламини кенгайишига хизмат қиладиган воситаларни четлаб ўтади. Ҳатто миллий, диний тарбиядан, урф-одатлардан бегоналашиш, уларни менсимасликка даъват қилиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани афсусланарли.

Бундай таҳдидларнинг олдини олиш, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор бериш лозим? Мутахассисларнинг фикрича ёшлар орасида одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетиш ҳолларининг юзага келиш сабабларидан бири — ота-она ва фарзанд, шунингдек, ўсмир-ёшлар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги чегаранинг йўқолиб бораётганидир. Бундан кўринадики, "оила-мактаб-ўқувчи" тизимида бир қатор узилиш ва камчиликлар бор. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни бир жойда муқим ушлаб туриш мушкул, улар ҳамиша ҳаракатда. Кимдир интернетдан фойдаланади, яна кимдир чет элга ўқиш учун йўл олади. Ана шундай пайтда ёшлар ўзларини йўқотиб қўймасликлари, ёт ғоялар домига тушмасликлари учун чуқур таълим-тарбия бериш, миллий қадриятларимизни улар онгига сингдиришдан бир зум четланмаслигимиз лозим. Шу боис, уларга сен ундай бўл, бундай қил, дейиш шарт эмас. Қуруқ панд-насиҳат фойда бермайди. Халқимиз ибораси билан айтсак: "Яхши нарса қоғозга ўраб берилади". Модомики, шундай экан, фарзандларимизга фақат ва фақат яхшиликни, яхши нарсаларни раво кўрайлик.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" тамойилини ўзимиз учун дастуриламал қилиб олишимиз лозим. Биз "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари, унинг асл моҳиятини фош этувчи, миллий руҳ билан суғорилган ҳақиқий киноасарларимиз, фильмларимизни ҳамда миллийлик билан йўғрилган, бизга ёт иллатлардан холи куй-қўшиқларимизни уларга қарши қўя олишимиз бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

— Миллатимизга хос яна бир тарбия маскани - маҳалла саналади. Зеро, халқимиз бир болага етти маҳалла — ота-она, деб бежиз айтмаган. Бирорта хатти-ҳаракатимиз маҳалланинг эътиборидан четда қолмаслигини ўйлашнинг ўзиёқ ҳар қандай кишига масъулият юклайди. Бу шахс ва жамият ҳаётида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли нақадар катта эканлигидан ёрқин далолат беради. Маҳаллалар, айниқса, ўспирин ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Бинобарин "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияси асосида фаолиятларини янада такомиллаштиришлари зарурдир,- дейди педагог Дилдора Ражабова.

Шу ўринда юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид сиёсат ҳақида гапирмаслик асло мумкин эмас. "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" муносабати билан амалга оширилган кенг миқёсли давлат дастурлари, асосан, ёшлар масалаларига қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ўтган йилнинг "Мустаҳкам оила йили", жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб аталиши ҳам ёш авлод камолотига бўлган эътиборнинг яна бир кўринишидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаган ёш авлодни ҳар томонлама баркамолликка етиши учун ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ёшларимиз берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка ҳар жабҳада эришаётган ютуқлари билан муносиб жавоб қайтармоқдалар. Аммо ён-атрофимизда битта бўлса ҳам ўз йўлини топа олмай қийналаётган ўсмир, ғараз ниятли кимсаларнинг манфаати йўлида ўйинчоқ бўлаётган ўғил-қизларнинг борлиги бизни мудом эътиборли бўлишга, зиммамиздаги вазифаларни масъулият билан бажаришга ундайди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мерос

# Қадимги иситиш иншоотлари

## ёхуд камин-ўчоқлар хусусида

***Ота-боболаримиз томонидан кашф этилган меҳнат қуроллари, бетакрор иморату иншоотлар ўзининг бежиримлиги, гўзаллиги ва қулайлиги билан бугунги кунда ҳам олимларни ҳайратга солиб келади. Ана шундай иншоотлардан бири қадимий камин-ўчоқлардир.***

Ўрта Осиёда уй-жой қурилиш қолдиқларининг қадимгилари асосан неолит даврига оид бўлиб, Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданияти мисолида тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилган. Ўша даврда уй-жойлар одатда гувала, хом ғишт ва пахсадан қурилган. Ана шу даврда аждодларимиз томонидан илк маротаба иситиш ва овқат пишириш ўчоқлари ҳам яратилган.

Ўчоқлар асосан хона қурилишига мутаносиб меъморий услубда қурилган. Археология фанида ўчоқлар илк тош давридан бошлаб пайдо бўлганлиги маълум. Лекин, бу пайтда ўчоқлар меъморий услубда бўлмаган. У оддий бўлиб, одамлар текис ерларга гулхан ёқиб, атрофларида айлана тарзда ўтириб исинишган. Биз айтмоқчи бўлган камин-ўчоқлар эса хона деворлари орасига қурилиб, мўри-дудхоналарга эга бўлган. У хонадонда истиқомат қилувчилар учун жуда қулай тарзда қурилган бўлиб, ушбу қурилманинг мураккаб тарзда қурилиши ўша даврларда архитектура яхшигина ривожланганидан далолат беради.

Ўрта Осиё ҳудудида илк камин-ўчоқларни эслатувчи қурилмалар жанубий Туркманистоннинг Жойтун маданиятига хос неолит даврига оид ёдгорликларида учрайди. Улар хона деворлари орасига эмас, аксинча, бурчаклари ва ёнларида, устки қисмида эса унинг мўри-дудхонаси хом ғиштлардан қурилган. Хона деворлари орасига девор билан бир вақтда қурилган камин-ўчоқлар Ўзбекистоннинг жанубидаги жез даврига оид Сополли маданияти ёдгорликларида учрайди. Камин-ўчоқларнинг қурилиши ва архитектураси жуда мураккабдир. Уни қуриш учун меъмордан жуда катта тажриба ва усталик талаб этилади. Ўчоқларнинг мўри-дудхонаси хона девори орасидан чиқиб кетган. Бу хонанинг дудга тўлишини олдини олган. Сополли маданиятидан топилган камин-ўчоқлар ўзининг ноёб шаклдалиги ва тўлиқ сақланиб келганлиги билан милоддан аввалги II минг йилликларнинг иккинчи чорагидаги инсониятнинг жез даври ижтимоий ҳаёт тарзидан дарак беради.

Олиб борилган археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, жез даврида камин-ўчоқлар патриархал оилаларга мўлжалланган уйларнинг барчасида ҳам учрамайди. Бундан кўриниб турибдики, камин-ўчоғи бор хона ва унда истиқомат қилган оиланинг ўзига тўқлиги ҳамда жамоада нуфузи баланд эканлигидан гувоҳлик беради. Ўчоқларнинг тарҳи, шакл услуби олдиндан пухта ишланган жез даври архитектураси анъаналарига хосдир. Бу ўша пайтларда яшаган аҳолининг турмуш тарзи анча юқори бўлганлигини кўрсатади. Ушбу ўчоқларнинг вазифалари хусусида олимларимиз турлича фикр билдириб келмоқдалар. Т.Ширинов ва В.Сарианиди каби олимлар ушбу типдаги ўчоқлардан аждодларимиз фақат хона иситиш учун фойдаланишган, деган фикрни илгари сурган бўлсалар, олим О.Бердиевнинг бу борадаги фикри бироз бошқачароқ. У худди шундай ўчоқлар хона иситиш билан бирга овқат пиширишга ҳам мўлжалланган, деган фикрини билдирмоқда. Бизнингча, девор орасига қурилган камин-ўчоқлардан ота-боболаримиз фақат хонани иситиш мақсадида фойдаланишган.

Тарих ва этнография фанида "битта ўчоқ-битта оила" ибораси мавжуд. Бунинг маъноси битта оилага битта ўчоқ тўғри келади, деганидир. Қадимда патриархал оилаларда биттадан тўрттагача камин-ўчоқлар бўлгани кузатилади. Бундан кўриниб турибдики, бир уйнинг хоналарида тўрттагача оила истиқомат қилган.

Ҳозирги кунда камин-ўчоқларнинг такомиллашган турлари яратилган. Одамлар электр, газ ва бошқа воситалар ёрдамида иситиладиган печкалардан фойдаланиб келишмоқда. Аҳамиятлиси шуки, қадимги камин-ўчоқларга ўхшаш қурилмалардан юртимизнинг айрим чекка қишлоқларида ҳозирги вақтда ҳам фойдаланилади. Айрим қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳозир ҳам қадимий услубда қурилган ўчоқларда кўмир, ўтин ёқиб хонани иситиб, овқат пиширишади. Қадим даврларга бориб тақаладиган камин-ўчоқларнинг қулайлиги ва тежамкорлиги хўжалик ҳаётимизда узлуксиз тарзда қўлланиб келинмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, қадимда ота-боболаримиз ўзларининг юксак ақл-заковатлари билан бир-биридан ажойиб камин-ўчоқлар барпо этиб, ўзлари учун қулайликлар яратишни билишган. Уларнинг ихтиролари ҳисобланмиш бу камин-ўчоқлардан бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Қолаверса, қадимги камин-ўчоқларга айнан ўхшаш ўчоқлардан аҳолининг бугунги кунда ҳам фойдаланаётгани ўша давр об-ҳавоси билан ҳозирги кундаги об-ҳаво ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаганлигидан далолат беради.

**Комил РАҲИМОВ,**
**ЎзРФА Археология институти катта илмий ходими**


*(ЎзА) олган сурат.*

# ОНА ЮРТГА МЕҲР

## инсоннинг қадр-қимматини оширади

***Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, ёш авлод таълим-тарбияси, унинг келажагига алоҳида эътибор ва аҳамият бериб келинган. Чунки, жамиятнинг эртанги куни, халқ тақдири, давлат тараққиётини баркамол авлодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз келажагимиз давомчиларини комил инсон қилиб тарбиялаш, уларда эзгу туйғуларни уйғотиш, ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.***

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, тарбия аввало, оиладан бошланади. Айнан оилавий турмуш тарзи, азалий анъана, урф-одат ва маросимлар инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишини таъминлашда асосий замин бўлиб хизмат қилади. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, "Юртимиздаги ҳар бир инсон учун ватан тушунчаси аввало оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз".

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни оила, жамият, давлат олдидаги бурчларини англайдиган масъулиятли комил инсон қилиб тарбиялаш ғояси илгари сурилади. Бу борада оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилада ёшларни миллий қадриятлар воситасида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ўта муҳим вазифа саналади. Зеро, фалсафий, психологик, педагогик, бадиий адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш, услубий тавсияларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Оилада фарзанд онгига ватан ва унинг моҳияти, инсон ҳаёти ва фаолиятида тутган ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилишни шакллантириш керак. Шунингдек, зиёлилар зиммасида она юртга меҳрли, ўтмишимиз, бугунимиз билан фахрланадиган, келажакдан умиди катта, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб, ватанимизга таянч ва суянч бўладиган ғурури баланд ёшларни тарбиялаш каби масъулиятли вазифа борлигини унутмаслигимиз лозим.

**Ғолиб ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ургут туманидаги Агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи директори**

Танлов

# Ораста қизлар

## фестиваль ғолиблари аниқланди

***2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан республикадаги ўқув муассасалари қошида "Ораста қизлар" тўгараклари ташкил этиш тавсия этилди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ушбу таклиф қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда ҳар бир таълим муассасасида шу номдаги тўгараклар фаолият юритмоқда.***

Президентимиз қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам "Ораста қизлар" республика фестивалини ўтказиш вазифаси белгилаб берилган. Мазкур қарорнинг ижроси сифатида Ўзбекистон давлат консерваториясида академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизлари ўртасида "Ораста қизлар" республика фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят, шаҳар ва туманлардан биттадан вакил қизлар иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова очиб берди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг ҳудудлар кетма-кетлигида жамоалар тақсимланган мавзулар бўйича ўз тақдимотларини намойиш этдилар. Фестиваль якунида ғолиблар эълон қилинди. Унга кўра 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Сирдарё вилояти, 3-ўрин эса Навоий вилоятига насиб этди. Ғолиб жамоаларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғалари, сертификатлар, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Касаба уюшмаси федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Фестиваль талаба қизларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий ғояга садоқат, юксак инсоний фазилатлар, инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида, жамиятда эътироф этилган ахлоқ тамойиллари ва меъёрларига мос тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик ва миссионерлик ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларнинг ҳаётга фаол муносабатини шакллантиришга қаратилган.

Хоразм вилояти Шовот тумани вакиласи Гулшода Иноятова фестиваль ҳақида, жумладан, шундай дейди: — Ушбу фестивалнинг асосий мақсади ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ҳаётидаги айрим муаммоларни бартараф этишдан иборат. Қолаверса, болалар, ўсмирлар ва ёшларда шахсий гигиеник соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, уларда хонадони, маҳалласи ва атроф-муҳит тозалигига эътиборни кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча бериш бизнинг шарафли бурчимиз. Шундай экан, мен ҳам иштирокчи қизлар қатори ушбу масъулиятли вазифани сидқидилдан бажаришга ваъда бераман.

Семинар

# Ҳудудий босма ОАВ

## моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватланди

***Пойтахтимизда "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши — миллий ахборот маконининг жадал ривожланиши кафолати" мавзуида семинар ўтказилди.***

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи журналистлар иштирок этдилар.

Семинарни Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов очиб берди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ш.Деҳқонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди директори А.Тўраев мавзу доирасида сўзга чиқди.

Тадбирда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, мустақил босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз борди.

Семинар доирасида Жамоат фонди томонидан қатор таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва таҳририятлар ходимлари иш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳудудий босма ОАВ таҳририятларига сертификат, компьютер жамланмаси ва принтерлар топширилди.

**Муҳайё НУРМЕТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Обод гўша



# Самарқанд — фахримиз, ғуруримиз

**у кун сайин чирой очиб бормоқда**

*Самарқанд дейилганда кўз олдимизга дарҳол Шарқ гавҳари, ер юзининг сайқали, деган оламшумул таърифу-тавсифлар ҳамда сирли, сеҳрли, мафтункор, ниҳоятда гўзал шаҳар гавдаланади. Унинг шифобахш ҳавоси, ухламайдиган шаббодалари, мусаффо осмони, ёқутдек ёрқин юлдузлари, унумдор тупроғи, жаннати мевалари, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келади.*

Самарқанд қадимий маънавият бешиги, илм-фан маскани, тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Фахримиз ва ғуруримиз тимсолига айланган бу қутлуғ заминда донғи оламга достон нене алломалар, илму маърифат фидойилари, қўли гул ҳунармандлар камол топган, дунё тамаддунининг бешиги сифатида ном қозонган, азиз-авлиёлар, мўътабар зотларни улғайтирган. Асрлардан сўзловчи қадимий обидалари, малҳам табиати туфайли ушбу мунаввар маскан “Ер юзининг сайқали” дея эътироф этилади, алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.



1996 йил Президентимиз Ислом Каримов Самарқандда Амир Темур ҳайкалини оча туриб, Самарқанд байроғига Амир Темур орденини қадар экан: “Келинглар, 18 октябрь кунини Самарқанд куни деб белгилайлик”, деб айтган гаплари кечагидай ёдимда турибди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги ва раҳнамолигида Самарқандда мисли кўрилмаган даражада ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, муҳташам иншоотлар, турар жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, спорт мажмуалари, меҳмонхоналар, магистрал ва ҳалқа йўллари, кенг кўча ва проспектлар, маҳобатли кўприклар, ям-яшил ва сўлим хиёбону майдонлар, истироҳат боғлари-ю, жаҳон андозасидаги бозорлар, куйи кўкка отилаётган биллур фавворалар Самарқанднинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида шаҳарнинг тор, эгри-бугри йўллари, ташландиқ харобалари кафтдек текисланиб, кенгайтирилди, нураб, заҳ босган кулбалар ўрнида пишиқ ғиштдан ясалган кўркам, кулиб турган бинолар қад кўтарди, янги зиёратгоҳлар, оромгоҳлар барпо этилди. Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида қурилган Даҳбед, Мирзо Улуғбек, Панжакент, Муқимий кўчалари, Хожа Дониёр зиёратгоҳи сингари кўплаб объектлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намуналаридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг барчасида инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этмоқда. Яъни, одамларнинг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан Самарқанддаги барча қурилишлар шарқона усулда, иқлим шароитини ҳисобга олиб 2-3 қаватдан ошмаяпти. Унинг олд ва ён томонидаги майдончалар фарзандларимиз дам оладиган масканга айланмоқда. Шаҳарда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 полосали магистрал йўллар қурилди. Қисқа вақтда кўчалар, майдонлар ва хиёбонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Каштан, эман, арча, қайин, қарағай каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, турли буталар, турфа гуллар, ям-яшил майсалар, ранг-баранг фавворалар туфайли шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ишларнинг самараси сабабли Самарқанд шаҳри дунёнинг турли қитъаларидан келган меҳмонлар томонидан гўзал ва экологик жиҳатдан тоза шаҳар, деб эътироф этилди. Истиқлол шарофати билан Самарқанд чиндан ҳам мегаполис шаҳарга айланди.



(ЎзА) олган суратлар.

Самарқанд шаҳрининг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Иморатлар бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилмоқда, айни пайтда уларнинг ҳар бири атрофидаги бинолар, майдонлар, хиёбонлар, кўчалар билан уйғунлик ҳосил қилмоқда. Самарқанднинг марказий кўчаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Даҳбед кўчасида шаҳримиз меъморий қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш, аҳолининг турар жой шароитини тубдан яхшилаш дастури доирасида улкан ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бу кўчада ижтимоий-маданий ҳамда савдо ва маиший объектларни ўз ичига олган 237 та хонадонга мўлжалланган 169 та 2-3 қаватли янги бинолар барпо этилди. Уйларнинг биринчи қаватида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган. Даҳбед кўчаси ва уйлар ўртасида майсалар, буталар, турфа гуллар каштан кўчатлари ўтказилиб “Кўксарой” хиёбони ташкил этилди. Бу, табиийки кўча мажмуадаги савдо, маиший комплекс ва идораларга келганлар учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Барча иморатларни қуришда, пардозлашда ҳаво ҳарорати, намлиги ҳисобга олиниб, энг замонавий материаллардан фойдаланилган.

Янги қурилиш объектларини лойиҳалаштиришда халқимизнинг урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатлар, илгари фақат орзу қилинган қулайликлар эътиборга олинган. Бу кўчаларда илгари арoқ заводи, маиший товарлар билан савдо қиладиган дўконлар, заҳлаган ва нураган бинолар бетартиб жойлашган, улар транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилар, шу боис кўчанинг транспорт юрадиган қисмида доимо тирбандлик юзага келарди. Дўконларнинг ташқи кўриниши, пиёдалар учун тор йўлакларга қўйиб ташланган маҳсулотлар шаҳримизнинг умумий қиёфасини жуда бузиб кўрсатарди. Бугун шаҳарнинг айнан шундай жойлари тубдан ўзгарган. Одамлар учун ҳавас қиладиган даражада барча шароит ва қулайликлар яратилди.

Шаҳарнинг ям-яшил, турфа гулларга, буталарга, майсаларга, каштан дарахтларга бурканган боғу роғлари, таълим тизимлари, шаҳар бағридаги зиёратгоҳ гўшалар ҳамиша меҳмон ва сайёҳлар билан гавжум. Қаерга йўлингиз тушмасин, Самарқанднинг кўрку тароватига ҳайрат ва ҳавас билан термулиб, ён дафтарига нималарни қайд қилаётган сайёҳларга дуч келасиз. Кун сайин ободликка юз тутаётган, бунёдкорлик ва яратувчилик майдонига айланган шаҳар чинакам маънода миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз тимсоли сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда Самарқанд чиройига чирой қўшиб, шаҳар ҳавосига мусаффолик бахш этиб турган фавворалар ҳақида гапирмаслик асло мумкин эмас. Бугун Самарқанддаги 193 та, бир вақтнинг ўзида 3 мингга яқин жўмраклардан бирданига сув пуркаётган янги, замонавий фавворалар шаҳарга ажиб кўрк ва улуғворлик бахш этиб турибди. Айниқса Регистон, Руҳобод майдонидаги, университет хиёбонидаги гўзал фавворалар Амир Темур ҳайкалига уйғунлашиб кетганлиги, бетакрор кўринишлари кишини мафтун этади. Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Самарқанд шаҳрининг 2025 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош лойиҳаси асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир.

Эзгу ниятлар билан қад ростлаётган бундай гўзал меъморий иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кўзгусидир. Бу фавворалар Республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб йирик анжуманлар, Халқаро “Шарқ тароналари” фестивали қатнашчилари ҳамда кўплаб сайёҳларни мафтун этаяпти. Бундан ташқари истироҳат боғлари, темир йўл вокзали, аэропорт, “Афросиёб-Палас”, “Президент-отел” меҳмонхонаси, Йўлбарслар хиёбони бағридаги фавворалар ўзига хос дизайн, ранг-баранг чироқлар ёғдуси, мураккаб муҳандислик қурилмалари асосида бунёд этилганлиги билан ҳайратланарлидир.

Инсон манфаати йўлида кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда йўл тежамкорлиги, қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бош лойиҳа асосида Самарқанд шаҳрида учта ҳалқа йўли барпо этилмоқда. У Тошкент — Термиз йўналишига қўшиладиган катта ҳалқа йўли, Қарши, Бухоро — Тошкент йўналишидаги ўрта ҳалқа йўли ва шаҳар ичкарисидаги кичик ҳалқа йўлдан иборат. Яқинда шаҳар ичкарисидаги кичик ҳалқа йўлини барпо этиш ишлари муваффақиятли якунланди.

Самарқанд шаҳрида музейларни, зиёратгоҳ жойларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларида катта режалар амалга оширилди. Шаҳар жуғрофик жиҳатдан нотекис жойлашган. Шу боис айрим музейлар, зиёратгоҳ жойларнинг ирригацион ҳолатлари кўриб чиқилди, ноқонуний қурилишлар ўзгартирилди, йўллар ўртаси ва чеккасидаги суғориш тизимлари янгиланди, электр қувватини тежайдиган ускуналар ўрнатилди. Динлар бағрикенглигини, миллатлар аҳиллигини таъминлашда Абу Мансур Мотуридий, Хожа Дониёр зиёратгоҳлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳар иккала зиёратгоҳнинг жарлик ёқасида, ноқулай жойда жойлашганлиги ҳисобга олиниб, зиёратгоҳларга бориш йўлидаги қатор яроқсиз, ўз даврини ўтаб бўлган бинолар олиб ташланиб, энг гўзал хиёбон барпо этилди. Афросиёб тепалигида туя етаклаган сарбон ҳайкаллар мажмуаси, Афросиёб музейи таъмирланиб, олд томони ободонлаштирилди.

Бундай гўзал жой чиндан ҳам мўъжизага айланди. Яқинда Самарқанд бош музейи янги бинога кўчиб ўтди. Музей ўзининг шарқона услуби, нафислиги, салобати, гўзаллиги билан ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига торта олади. Ўз экспонатлари билан халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилишда энг қулай масканга айланмоқда. Бу ерда томошабинлар учун барча шароит яратилган бўлиб, музей экспозицияси, заллар ва хоналарнинг жиҳозланиши ҳам ҳозирги кун талабларига тўла жавоб беради. Бу даргоҳ — Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи Марказий Осиёдаги энг йирик музейлардан бири саналади.

Бугунги кунда музей-қўриқхона таркибидаги музей, тарихий ва маданий объектларда халқимизнинг бой тарихи, маданий мероси билан боғлиқ 210 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда.

Уюштирилаётган кўргазмалар, ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар эса ёш авлодни қўҳна Самарқанднинг бой мероси, қолаверса, шонли тарихимиз билан янада кенгроқ таништириш имконини бермоқда.

Энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири — Регистон майдони ҳар қандай инсонни такрорланмас салоҳияти ва мўъжизавий меъморий санъати билан ўзига мафтун этади. Шу билан бирга, ота-боболаримизнинг, бунёдкор халқимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида намоён бўлади. Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, шаҳримиз марказида жойлашган ушбу майдон нафақат ташқи кўриниши, балки мазмун-моҳияти билан ҳам буткул янги қиёфада акс этди. У ота-боболаримиз орзиқиб кутган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз тимсоли сифатида улуғворлик касб этиб турибди. Шунинг учун ҳам бу майдонга меҳримиз, ҳурматимиз чексиз. Атрофга хушҳаво бахш этиб турган фавворалар, ям-яшил дарахт ва майсалар кайфиятингизни кўтариб, баҳри дилингни очади. Бир-бирига елка тутиб турган учта мадраса халқимизнинг завокатидан далолат бериб турибди. Буюк аллома ва саркарда Улуғбек хиёбони ва ҳайкали таъмирдан кейин янада улуғворлик тимсолига айланди.

Шарқ гавҳарининг тарихини, ҳозирги кундаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишларини бирмабир санаш ва таърифу тавсифлашнинг асло имкони йўқ. Чунки шаҳар соат ва кун сайин янгиланиб, кўркамлашиб, гўзаллашиб, янада чирой очиб ва сайқаллашиб бормоқда.

**Тангир САТТОРОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари**

Шахс ва жамият

# ЯНГИ ДАВР ОҚСОҚОЛИ

**унинг зиммасига улкан ва шарафли вазифалар юкланган**

*Миллий ва умуминсоний қадриятлар силсиласида тобора такомиллашиб, ўзининг янги ва замонавий қирраларини ёрқин намоён этаётган маҳалла фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла тушунчасининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Унинг ўзигагина хос бўлган бетакрор тизими миллий истиқлол ғоялари руҳида шакллантирилиб, удум ва анъаналари тикланди. Қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари маҳалланинг ҳуқуқий асосларини белгилабгина қолмай, балки унинг ҳар томонлама равнақ топишида кенг йўл очиб берди.

«Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди, - деб ёзади Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида. — Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилган. Ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлмиш маҳалланинг аҳамияти ҳамиша жуда юқори бўлган.

Маҳалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўшничилик, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. У фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади,аҳолининг муҳтож қатламларига аниқ ёрдам кўрсатади».

Чиндан-да маҳалла катта-ю, кичикни жипслаштиришда, хайрли ишларга қанот бахш этишда бош-қош бўлади. Тинчлик, осойишталик, дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашда, оилаларнинг тотувлигини таъминлашда қудратли қўрғон ҳисобланади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий урф-одат, хислат ва фазилатларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиб, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига етакчилик қилади. Кам таъминланган оила ва фуқароларга ёрдам кўрсатишда, маҳалла ва унинг аҳолиси манфаатларига хизмат қиладиган таклифларни қўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатади. Бундай олижаноб ишларнинг бошида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари туради. Шу боис, фуқаролар йиғини раислигига муносибларнинг муносибини танлаб олишда янглишмаслик, етти ўлчаб бир кесган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш талаб этилади.

Хўш, муносибларнинг муносиби қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Номзод энг аввало, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига тўла мос келиши лозим. Қолаверса, у ҳалол, пок виждонли, меҳнатсевар, катта ҳаётий тажрибага эга, эл-юрт манфаати йўлида фидойи, ташаббускор, маънавияти юксак, дунёқараши кенг, чуқур билим ҳамда мустақил фикр эгаси бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Албатта, бир неча минг киши истиқомат қиладиган маҳаллада оқсоқол бўлиш учун айнан мана шу хислат ва фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Оқсоқол ҳаёт ва замон билан ҳамнафас бўлиши, қийинчилик ва муаммолар олдида эсанкираб қолмаслиги, ҳар бир масаланинг моҳиятини теран англай билиши, масъулиятни чуқур ҳис эта олиши лозим. Энг муҳими, маҳалла раиси, яъни оқсоқоли мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлару, буюк бунёдкорлик ишларининг моҳияти ва аҳамияти хусусида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш қобилиятига эга бўлиши — раҳбарга қўйиладиган асосий талаблардан саналади.

Одамлар қалбига йўл топа олиш, уларнинг фикри билан ҳисоблашиш, ҳududдаги давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагидан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни қонун доирасида қўллаб-қувватлаш, вазминлигу қатъийлик билан иш олиб бориш — буларнинг ҳаммаси фуқаролар йиғини раисининг вазифасига киради. Ана шундай сифатларни ўзида мужассам этган раисга эга бўлган маҳалла обод бўлади, аҳолиси тинч, аҳил ва фаровон ҳаёт кечиради. Бундай ижтимоий макон жамиятнинг олдинги қаторида боради. Афсуски, фуқаролар йиғини раислари орасида ўз ҳақ-ҳуқуқига юзаки қарайдиган,- мавжуд имконият ва имтиёзлардан унумли фойдалана олмаётганлар ҳам йўқ эмас. Айнан шундай ҳолнинг рўй бермаслиги учун ҳар биримиз фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фаол иштирок этишимиз,бу муҳим тадбирнинг юксак савияда ўтишини таъминлашда амалий ёрдам беришимиз ўзимиз, оиламиз, маҳалла ва жамиятимизга бефарқ эмаслигимиздан далолат беради.

Маълумки, маҳалланинг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида оиланинг роли беқиёсдир.Оила қанчалик маърифатли бўлса,у шунчалик аҳил,меҳр-оқибатли, обод,тинч ва мустаҳкам бўлади. Бу, шак-шубҳасиз, маҳалланинг фаровонлиги-ю, куч-қудрати тимсолидир. Шундай экан, оқсоқол оила,мактаб ва маҳалла бирлигини таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билмоғи лозим.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳаёт XXI аср фуқаролар йиғини раиси зиммасига улкан вазифаларни юкламоқда. Бундай оғир ва шарафли юкни кўтаришга қодир бўлган инсонни танлаб,- унга юксак ишонч билдириш эса сиз билан бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**
**Тошкент молия институти «Устоз ва мураббийлар» Кенгаши раиси**

Анжуман

# Баркамол авлод тарбияси

*Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турмушни обод қилишда тизимли равишда ташкил қилинаётган маданият ва санъат, олимпия захиралари коллежлари, барпо этилаётган дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Сўнгги йилларда ёш истеъдод намояндалари орасида республикамизда ўтказилаётган турли санъат ва маданият фестиваллари, халқаро танловларда иштирок этаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Мустақилликнинг илк йилида санъат соҳасидаги халқаро танловларда борйўғи 8 нафар ёш ижрочи иштирок этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 105 нафарга етди. “Обод турмуш йили” Давлат дастурига асосан ўтказилган маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочиларининг республика танловида жами 658 нафар, шу жумладан республикамизнинг чекка ҳудудларидан 421 нафар ёшлар иштирок этди. Мазкур танловда халқ чолғулари ва анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 110 нафар танлов ғолиби аниқланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон миллий матбуот марказида ўтказилган “Ёш авлоднинг маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги қобилиятини рўёбга чиқариш ҳамда уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида вазирлик тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида” деб номланган анжуманда ана шундай маълумотлар тақдим этилди. Анжуманда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, маънавий ва жисмоний соғлом, баркамол инсонлар бўлиб етишиш учун ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз борди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Бизнинг шарҳ

# БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ:

## дунёда тинчликни таъминлаш — долзарб вазифа

***Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунёнинг кўплаб давлатлари, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ушбу ташкилотнинг қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.***



Халқаро муносабатларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида ушбу нуфузли ташкилотнинг фаолияти тўғрисида: “БМТ — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир“,- деб таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда БМТнинг тарихига қисқача тўхталиб ўтсак. Биринчи жаҳон урушидан сўнг дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш мақсадида Миллатлар Лигаси таъсис этилган эди. Лекин у тинчликни истовчи олам аҳлининг нажот қальасига айлана олмади. Миллатлар Лигаси тинчликни сақлаш ва халқаро можароларни тинч йўл билан ҳал этиш билан боғлиқ ўзининг вазифасини бажаролмади. Миллатлар Лигаси ўз вазифа ва мажбуриятларини тўлиқ адо этолмаятганлиги боис 1946 йил 18 апрелда расман тугатилди ва ўз ўрнини бошқа бир халқаро ташкилот — БМТга бўшатиб берди. “Бирлашган Миллатлар” атамаси илк бор АҚШ Президенти Франклин Делано Рузвельт томонидан таклиф этилиб, 1942 йилнинг 1 январидаги “Бирлашган Миллатлар Декларацияси”да илк бор ишлатилди. Шу тариқа 1945 йил 24 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ташкилот сифатида ташкил топган даврлардан бошлаб бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири сифатида белгилади. Мазкур вазифа - халқаро миқёсдаги зиддиятли масалаларни халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тинч йўллар билан ҳал қилиш ва бартараф этишдан, тинчликка таҳдид соладиган хавф-хатарни превентив(огоҳлантириш) чоралари ёрдами билан йўқотишдан ва босқинчилик ҳаракатларини жазо чоралари билан, ҳатто қуролли кучлардан фойдаланиш воситаси билан ҳам бартараф этишдан иборат.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг, аввало, ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда дунёда 200 дан ортиқ мустақил давлат бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам мустақил ташқи сиёсат юрита олмайди. Ўзбекистон энг қисқа вақт ичида мустақил давлат сифатида ташқи сиёсат олиб бора олишини амалда исботлади. Айнан шу омил жаҳон сиёсатида ҳар бир давлатнинг нуфузини белгиловчи муҳим мезондир.

Бугунги кунда мамлакатимиз БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЕЙДС), Гендер тенглиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги муносиб ўрин эгаллагани, халқаро муносабатларда муаммоларни ечиш ва зиддиятларни ҳал этишдаги ўзига хос ёндашуви, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги масъулияти билан белгиланмоқда.

1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ваколатхона очилиши маросимида сўзлаган нутқида: “Бу тарихий воқеа бўлиб, шундай обрўли ташкилот доирасида вақти-вақти билан Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш бўйича семинар чақириб туриш кўзда тутилади, бунинг учун Тошкент барча шарт-шароитларни яратиб беришга тайёр”, дея таъкидлаганди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ доирасидаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти Президент Ислом Каримов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-, 55-, 65- сессияларида БМТ минбаридан туриб сўзлаган нутқларида ўз аксини топган. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида хавфсизлик ва барқарорлик масаласида қуйидаги аниқ таклифларни киритган: Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий фаолият юритувчи семинарининг чақиртирилиши; БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича махсус гуруҳ тузиш; Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш; Марказий Осиё минтақасида наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш; Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш; Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириш;, Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуроллар устидан халқаро назорат ўрнатиш.

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТнинг тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятида самарали иштирок этиб келмоқда. БМТ доирасида Ўзбекистон халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қанча муҳим таклифлар билан чиқди. Масалан булар Афғонистонга қурол-яроғ сотиш бўйича эмбарго киритиш тўғрисида, Афғонистондаги зиддиятларни тартибга солиш мақсадида “6+2” гуруҳининг тузилиши, Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш каби муҳим таклифлардир.

БМТнинг қуролсизланиш департаменти Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи ҳудуд сифатида эътироф этиши бўйича шартномани ишлаб чиқиш ва молиялаштиришда фаол иштирок этди. Ушбу шартнома 2006 йилнинг сентябрь ойида барча Марказий Осиё давлатлари ва ядровий қуролга эга бўлган давлатлар томонидан имзоланди.

2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида БМТ Бош котиби Оролбўйида бўлиб, экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этадиган воқеа бўлди. Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Ушбу ҳужжат Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиёнинг ҳудудий хавфсизлик муаммоси Марказий Осиё давлатларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасига ҳам бир қатор ташвиш келтирмоқда ва айни вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш қатори мазкур ҳудуддаги хавфсизлик муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ядро қуролини тақиқламаслик ва қуролсизланишга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатъий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Акс ҳолда минтақавий, глобал миқёсда ҳам хавфсизликка эришиб бўлмайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси аҳамиятини янада оширади ва буни тезда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан қонунийлаштириш зарурлигини илгари суради. БМТ бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир. Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги яққол кўриниб турибди. Айни пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги аҳамияти ва роли ошиб бормоқда.

БМТ Саммитининг 2010 йил 14 сентябрда очилган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида ҳам давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор афғон муаммосига қаратди ҳамда мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун қуйидаги таклифларни илгари сурди:

1) Афғонистон муаммосини афғон халқининг миллий манфаатидан келиб чиқиб ва бу йўлда Афғонистондаги барқарорликдан манфаатдор мамлакатларнинг кўмаги билан афғон халқининг ўзи ҳал қилиши кераклиги;

2) Мазкур йўлда 2008 йилда Ўзбекистон томонидан таклиф этилган “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ва унинг таркибига Афғонистонда тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО ва Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарурлиги;

3) Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда кафолат сифатида иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этиш.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида глобал миқёсдаги долзарб масалалар юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид амалий таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўси ва нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва БМТ билан ҳамкорлиги нафақат Ўзбекистон манфаатлари, балки бутун минтақа манфаати ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўзининг сайловолди ҳаракат дастури ҳамда партия дастурида мамлакат тинчлигини ва хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатни дунёнинг энг тараққий этган давлатлари сафида кўриш, миллатимиз миллий қадриятларини сақлаб қолиш, маънавиятини юксалтириш, ўз ватани ва тарихига нисбатан ҳурмат ҳиссини оширишни ва бу борада амалга оширилаётган барча ишларда кўмакдош бўлишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

ЎзМТДП ҳам бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати асосий мақсадлари ва вазифаларининг амалга оширилиши хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид сақланиб турган мураккаб шароитда таъминланаётганлигини чуқур англаган ҳолда ташқи сиёсатнинг қуйидаги устувор йўналишларини қўллаб-қувватлайди ва унинг амалга оширилишида фаол иштирок этади:

1) мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган минтақавий, глобал хавфсизликни таъминлаш;

2) Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиши, Осиё, Европа ва жаҳон хавфсизлик, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик тузилмаларига интеграциялашиши.

Партия Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида ва унинг ташқарисида низоларнинг олдини олиш ва уларни ҳал этиш мақсадида бундан кейин ҳам халқаро ва давлатлараро тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этиши лозим деб ҳисоблайди.

Шу жумладан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг сайловолди дастурида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар соҳадаги, энг аввало, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги турли суистеъмолликларга барҳам беришга, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари билан ғайриқонуний, муомала қилинишига, одам савдосига, коррупцияга, маҳаллийчиликка ҳамда хавфсизликка нисбатан бошқа таҳдид ва хатарларга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари, партия юқорида кўрсатиб ўтилган, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиққа айланган ва миллий манфаатларимизга зид бўлган иллатларга қарши муросасиз кураш олиб боради, ушбу соҳалардаги қонунчилик ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга қаратилган изчил йўлни қўллаб-қувватлайди.

**Хусниддин РАЖАБОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи**

Рангин дунё

# Венгрия миллий музейи

***“Дунай маликаси” ёхуд Будапешт — Венгрия пойтахти бўлиб, дунёнинг энг чиройли шаҳарлари сирасига киради. Марказий Европадаги йирик Балатон кўли ҳамда афсонавий Токай тоғи айнан шу ўлкада жойлашган. Венгрия ҳашаматли саройлар, монастир, қўрғон ва истеҳкомлар юрти ҳамдир. Мамлакатнинг санъати, маданияти ва халқ ижодиёти ниҳоятда бой. Қолаверса, ўлка ўзининг театр ва музейлари билан ҳам дунёга танилган. Биргина Венгрия миллий музейи бунга мисол бўла олади.***





1802 йилнинг ноябрида венгриялик граф Ференц Сечени йиллар давомида тўплаган нодир буюмлардан иборат каттагина коллекциясини халқи учун мерос қилиб қолдиради. Ўта зиёли ва иқтидорли бу инсон XVIII аср охиридаёқ ўзининг оилавий кутубхонаси ҳамда қадимий ашёлар тўплами асосида миллий музей яратишни орзу қиларди. Унинг коллекциялари ҳақиқатдан-да бой ва ранг-баранг. Нодир ашё ва қадимги тангаларнинг ўзи бир хазина. Айниқса, сирмий рим тангаларининг баҳоси йўқ. Граф кутубхонаси учун ҳам энг сара асарларни тўплашга ҳаракат қилган. Шу боис, мазкур кутубхона жавонларидан асосан венгер ёзувчилари ёхуд мамлакат ҳаётидан сўзловчи адабиётлар ўрин эгаллаганини кўриш мумкин. 1807 йили граф Сечени хазинасининг рўйхати тузилади. Унга кўра, Сечени шахсий кутубхонасидан ташқари Венгрияга 2675 та қадимги танга ва медаллар, антиквар буюм ва бир қанча нодир картиналарни ҳадя қилгани маълум бўлади.

Даставвал, миллий музей экспонатлари монастир хоналарида сақланган. Бу орада музей янги экспонатлар ҳисобига янада бойиди. Монастир хоналари анчайин торлик қилиб қолгач, музей янги бинога эҳтиёж сезади. Бироқ, архитектор Йожеф Хилд томонидан 1807 йилдаёқ ишлаб чиқилган музей лойиҳаси ҳадеганда амалга ошавермайди. Чунки, музей биноси учун ажратилган ер участкаси кичиклик қилади. Бундан ташқари, жой ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермасди. Кейинчалик музей учун бошқа хавфсизроқ жой ажратилади, бироқ, энди қурилиш учун етарлича маблағ топилмайди. 1836 йили Венгрия миллий мажлиси музей биноси масаласини қайтадан кўриб чиқади. Бу гал музей лойиҳаси архитектор Михай Поллакка ишониб топширилади. Аммо, ўша йили кузатилган кучли сув тошқинлари туфайли музей бу сафар ҳам чалалигича қолади. Миллий музей биноси орадан 10 йил ўтибгина ўзининг янги биносига кўчиб ўтади. Энг қизиғи, музей мамлакат тарихидан ҳам муқим жой олган. 1848 йилги венгер революцияси билан боғлиқ намойишлар айнан шу музей боғида, Венгрия давлат мажлиси юқори палатаси йиғилиши унинг асосий залида ўтказилган.

Миллий озодлик ҳаракатининг мағлубиятидан сўнг, Венгрия оғир кунларни бошидан кечиришига тўғри келди. Бундай қисмат музейни ҳам четлаб ўтмайди. Ўша йили амалдорлар музейдаги барча экспонатларни Венага жўнатмоқчи, музейни эса катта миқдордаги солиққа тортмоқчи бўлади. Лекин, жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан музей нобакорлар чангалидан омон қолди. Музейнинг асосий залида ўтказилган доимий хайрия концертлари эвазига музей молиявий аҳволини анча ўнглаб олди ва бундай концертлар дунёга машҳур композиторлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳукумат эса ўшанда миллий музей ҳақида умуман қайғурмаган. Шунданми, анча йиллар давомида музей янги экспонатлар билан деярли бойимаган.

Вақт ўтиши билан музей фаолияти яхши томонга ўзгаради. Унинг таркибидаги бир қанча қимматбаҳо буюм ва ашёлар асосида янги тематик музейлар ташкил этилди. 1814 йили қадимги буюмлар, медал ва тангалар кутубхонадан айро ҳолда намойиш қилина бошланди. 1872 йилга келиб эса миллий музей доирасида мустақил фаолият юритувчи Этнография музейи иш бошлайди. Худди ўша йили мамлакат яна битта — Амалий санъат музейига, кейинроқ эса Тарих музейига эга бўлди. Мазкур музейлар Венгрия миллий музейидан ажралиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

Миллий музейнинг нумизматика бўлими экспонатларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда қадимги грек ва рим, кельт ва венгер тангалари, шунингдек, рим даврига оид тилла ёмби ва шоҳона уст-бошларгача бор. Музейдаги ноёб буюмлардан яна бири авлиё Стефан тожидир. Унинг ўзига яраша тарихи бор. Айтишларича, тож икки қисмдан иборат бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб турарқан. Тожнинг тепа қисми юпқа олтин пластина, қуйи қисми дур ва жавоҳир, маркази эса йирик қимматбаҳо тошлар билан безалган. Икки қисмдан иборат тож тахминан XII асрда ясалган. Кейинчалик тожлар бир-бирига олти қиррали хоч ёрдамида бирлаштирилган. Бу билан Венгрия қироллари ҳукумат нуфузини яна бир поғона кўтаришга муваффақ бўлишган.

**Зафар МУҲАММАД**

Ҳафталик кундалиги

# «Art Week Style.uz — 2013»

**санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми юртимиздаги маданият ва санъат байрамини бошлаб берди**





***Юртимизда ҳукмрон куз фаслининг салқин шаббодалари бизни дунё маданияти ва санъати насимидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Октябрь ойининг сўнгги кунлари азим пойтахтимиз “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг анъанавий — Art Week Style.uz — 2013 санъат ҳафталиги яна меҳмонларни чорлади. Даставвал III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми иштирокчилари юртимизга ташриф буюришди. Ушбу нуфузли тадбир санъатимизнинг бугунги ютуқлари, бебаҳо анъана ва миллий қадриятларимизни жаҳон миқёсида намоён этишда муҳим аҳамият касб этади. Пойтахтимиз хорижлик ижодкорлар, санъатшунослар, кино, театр, мода оламининг таниқли вакиллари, санъат ихлосмандлари, мухбир ва журналистлар билан гавжум бўлади.***

19 октябрь куни III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми ўз ишини бошлади. Кинофорумнинг биринчи кунида тўлиқ ва қисқа метражли, шунингдек, анимацион фильмлар дастури ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган матбуот анжуманида ҳавола этилди. Фонд Форум мажлислар залида ўтказилган анжуман чоғида тўлиқ метражли фильмлар танлов дастури, кутилаётган натижалар, қандай қилиб сифатли фильм яратиш мумкинлиги ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тўлиқ метражли фильмлар дастури ҳақида кинофорумнинг ҳакамлар ҳайъати раиси, Хитой замонавий кинематографиясининг етакчи режиссёри Чжан Юань, германиялик актриса Франциска Петри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр Қамара Камолова ҳамда япониялик кинорежиссёр Томио Курияма атрофлича фикр юритишди.

***Чжан ЮАНЬ,***
***ҳакамлар ҳайъати раиси (Хитой):***

— “Олтин гепард”да иштирок этиш учун таклифнома олганимда жуда хурсанд бўлдим. Интернет орқали мазкур кинофорум ҳақида билиб олдим. Тошкент шаҳри жуда ҳам чиройли, кўчалари озода ва тартибли экан. Бозорларингизни айландим, пишиқчилик, тўкин-сочинлик менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёшларингизга ҳавасим келди. Барча соҳада фаол ва баракали ижод қилаётганига гувоҳ бўлдим. Уларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Биз авваллари кино яратишда ғарб давлатларига тақлид қилар эдик. Бугунги кунга келиб бутун дунё Осиё мамлакатларининг урф-одат, анъана ва миллий қадриятларига қизиқиш билан қарашмоқда. Бунга сабаб, ана шу қадриятларни ўз фильмларимизга сингдирганимизда. Кино яратишда ўз услубимиз борлигини мазкур кинофорум бутун дунёга кўрсатиб бермоқда. Маҳорат дарсларининг ташкил этилиши, ёш ижодкорлар учун айни муддао бўлмоқда.

***Умеш МЕҲРА,***
***режиссёр (Ҳиндистон):***

— Ёшларнинг кинога бўлган қизиқишларини кўриб қувондим. Режиссёр қандай фильм яратиш кераклигини бу каби фестивалларда иштирок этиш орқали билиб олади. Ўзини синовдан ўтказади, тажриба алмашади. Ижодкор учун бу жуда ҳам муҳим. Ўзбек режиссёрларининг асарларини томоша қилиб, Ўзбекистонда кино санъати ривожланиб бораётганини сездим. Буларнинг бари юртингизда ижодкорларга давлат томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Ўтаётган ҳар бир кун биз ижодкорлар учун қизиқарли ва таассуротларга бой бўлмоқда. Ўзбек актёр ва режиссёрлари билан ишлаш мароқли. Келгусида ўзбек ва ҳинд киноижодкорлари ҳамкорлигида фильм яратиш ҳам режамизда бор. Ўзбек режиссёрлари Ҳиндистонда фильм олмоқчи бўлсалар, марҳамат, бажонидил ёрдам берамиз.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган маҳорат сабоқлари кинофорумнинг илмий-амалий қисмига уланиб кетди. Унда эронлик машҳур режиссёр ва сценарийнавис Аббос Киаростами, хитойлик таниқли режиссёр Чжан Юань ҳамда япониялик режиссёр Томио Курияма томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилди. Эронлик машҳур режиссёр Аббос Киаростами “Муваффақиятнинг таркибий қисми” деб номланган маҳорат сабоғида кинематографияда ўз услубини қандай қилиб топгани ҳақида йиғилганларга гапириб берди.



“Сюжет қурилиши ҳақиқатлари» мавзусидаги иккинчи маҳорат дарси хитойлик таниқли режиссёр Чжан Юань томонидан ўтказилди. У бугунги Хитой кинематографияси ҳақида ҳам гапириб, ёшларга ўз тажрибасидан келиб чиқиб, маслаҳатлар берди ва иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида эса кинофорум ҳакамлар ҳайъати аъзоси, япониялик режиссёр Томио Курияма томонидан “Япон киноси — ўтмиш ва келажак” мавзусида яна бир маҳорат дарси ўтказилди. Режиссёр томонидан суратга олинган “Балиқ овининг ашаддий ишқибозлари эсдаликлари” номли фильми иштирокчиларга намойиш этилди. Шунингдек, Чжан Юань томонидан суратга олинган “Пекин чироқлари” (Хитой, 2012) номли фильми ҳам ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

“Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофорумининг биринчи куни “Интернатционал Тошкент” меҳмонхонасида ташкилотчи ва иштирокчилар, шунингдек, Art Week Style.uz-2013 санъат ҳафталиги меҳмонлари иштирокида ўтган кинофорумнинг очилиш маросими билан якунланди.

Кинофорумнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи кунлари Алишер Навоий номидаги кино саройи, “City Makon” маркази, “Grand Cinema”, “Premier-Hall” кинотеатрида дастурга киритилган қисқа, тўлиқ ва анимацион фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, замонавий ўзбек киноси панорамаси, янги фильмлар намойиши, “Чехия эртаги оламида” номли Чехия фильмлари ҳамда Франция кино дастурлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ёшлар ижод саройи ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кинофорум иштирокчиларидан маҳорат сабоқлари давом эттирилди. 24 октябрь куни якунланадиган III “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми яна бир қанча лойиҳалари билан томошабинларни чорлаб қолади.

**“Theatre.uz/ 2013” халқаро театр фестивали**

20 октябрь кеч оқшом пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёшлар театрида Art Week Style.uz-2013 санъат ҳафталиги доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар театри, Маданият ва спорт ишлар вазирлиги ҳамда “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тўртинчи “Theatr.uz/2013” халқаро театр фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар, бундай фестиваллар ўзбек миллий театр санъатининг бугунги ютуқларини кенг миқёсда намойиш этиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва жаҳон саҳна асарларининг энг сара намуналарини томошабин ва меҳмонларга яқиндан таништиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли эканлиги алоҳида таъкидлашди.

Мана бир неча кун давомида Ўзбек миллий академик драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри, Ўзбекистон рус академик драма театри, Республика қўғирчоқ театри, Республика ёш томошабинлар театри саҳналарида Ўзбекистон ва Германия театр ижодкорларининг қўшма лойиҳаси — “Бизнинг афсона”, “Аёл”, “Ҳалоллик истаб келдим”, “Африка гўзали”, “Кенг қамровли”, “Шум бола”, “Хўжа Насриддиннинг беш хотини”, “Ромео ва Жульетта” каби спектакллар ҳамда вилоят театрларининг саҳна асарлари томошабин ва мутахассислар эътиборига ҳавола этиб борилмоқда. Фестивалнинг сўнгги кунида замонавий театр санъати масалалари бўйича илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

“Theatr.uz/2013” фестивали 26 октябрь куни “Туркистон” санъат саройида “Қирол Шер” мусиқий-театр студиясининг “Қирол шер. Қайтиш” болалар мюзикли премьераси билан якунига етади.

**VII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси**

“Art Week Style.uz — 2013” санъат ҳафталигидаги йирик лойиҳа — еттинчи Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси ҳам 22 октябрь куни иш бошлади. Фонд Форум ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида, “Турли маданият — ягона дунё” мавзуидаги ўтказилаётган бу йилги тадбирда 105 нафар хорижлик ижодкорлар, шулардан 70 нафари шахсан иштирок этади. Шунингдек, 140 нафар ўзбекистонлик ижодкорларнинг асарлари намойиш қилинади. Улар орасида дунёга танилган япониялик Норик Нишяма, грециялик Георгиос Катсангелос, сингапурлик Урич Лау Вай Юен, кореялик Ли Сан Ги, италиялик Мауро Магрин ва бошқалар бор. Кўргазмалардан ташқари, биеннале доирасида япониялик Норико Ямомото, филлипинлик рассом Жозефин Туралба иштирокида маҳорат дарслари, замонавий санъат музейи директори грециялик М. Цанцаноглу, германиялик арт-куратор Томас Эльсен ва бошқалар билан ижодий учрашув, илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Биеннале доирасидаги кўргазмалар Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фото уйи, Халқаро маданият карвон саройи, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музей, Ўзбекистон давлат санъат музейи каби маданият масканларида, шунингдек, Самарқанддаги “Чорсу” галереясида ўтказилмоқда.

***Акмал НУР,***
***академик:***

— Санъат халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳар бир биенналенинг ўз юлдузи, кашфиётлари бўлади. Биз ҳам бу йилги анжумандан жуда катта натижаларни кутмоқдамиз. Ушбу санъат биенналесининг асосий вазифаси ёш ижодкорларни кашф этиш. Уларни бошқа халқлар санъатидаги янгиликлар билан таништириш, асарларнинг мавзу ва ғояси ҳақида хабардор этиш режалаштирилган. Бир-биримиз билан мулоқотга киришамиз, асарларимизни муҳокама қиламиз. Шу баҳонада ўзбек ижодкорларининг асарларини дунё санъат намояндалари эътиборига ҳавола қиламиз.

VII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесининг ёпилиш маросими 27 октябрь куни Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланган энг яхши асарлар муаллифларига диплом ва мукофотлар топширилади.

* * *

Art Week Style.uz-2013 санъат ҳафталиги 22 октябрь куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида тантанали равишда очилди. Маросимда сўзга чиққанлар, ҳар йили юксак савияда ташкил этилаётган мазкур санъат ҳафталиги ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, миллий санъатимиз, қадриятларимиз қатори жаҳон кино санъати, театри, модаси билан яқиндан танишиш, билим ва маҳоратини оширишдек эзгу мақсадга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган барча тадбирлар юртимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш, халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ишонамизки, бу йилги санъат ҳафталиги ҳам ўзининг дастури ва лойиҳасининг қизиқарлилиги билан барча иштирокчи ва меҳмонларни ҳайратга солади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Тил байрами

***Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик-лицейда катта тадбир ўтказилди.***

## Она тилимиз мадҳ этилди

Унда тилимизнинг асрлар давомида сайқал топгани, тадрижий ривожланиши ўқувчиларнинг саҳна кўринишлари орқали йиғилганларга кўрсатиб берилди. Тадбирда сўзга чиққанлар, ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида, унинг таъсирини кучайтириш, миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтишди.

***Зафар КАРИМОВ,***
***Академик-лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:***

— Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёдаги борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидур” деганларида минг карра ҳақ эдилар. Бугун аждодларимиздан ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни янада бойитиш, нуфузини ошириш йўлида тинмай ишлашимиз лозим. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги бизнинг катта ютуғимиз ҳисобланади. Айнан шу воқеа мустақилликка эришишимиз учун ўзига хос кўприк вазифасини бажарган, десам муболаға бўлмайди. Бундай тадбирлар ёшларимизнинг она тилимизга бўлган муносабатини яхшилашга, тилимизнинг бой тарихи ҳақидаги тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради. Бу каби тадбирлар лицейимизда доимо ўтказилиб туради.

Тадбирда буюк бобоколонимиз Алишер Навоий ижодига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, она тилимизнинг шаклланиб, тараққий этишида ҳазрат Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўзбек тилининг асосчиси саналади.

**Нурали ЙЎЛДОШЕВ**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Занжабил

**Занжабил йўғон илдиз-пояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Асосан тропик ва субтропик минтақаларда, хусусан Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда ўсади. Ҳатто, қуриган илдизи хушбўй ҳидли ва мазали бўлиб, эфир мойига бой. Майдаланмаган занжабилнинг хушбўй ҳиди майдаланганига нисбатан узоқ сақланади. Туйиб элакланган талқони табобатда жигар, юрак, меъда хасталигини даволашда ишлатилади.**



Озиқ-овқат саноатида, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва пазандачиликда, баъзи овқатларга (пишиш олдидан) майдаланган зиравор сифатида қўшилади. Оқ, сариқ ёки қизил занжабилнинг 30 грамм қуритилган илдизи 20 к/кал қувват беради, шунингдек, ундаги калий, магний, мис, кальций оксиди ва B6 витамини инсон жисмининг бу моддаларга бўлган кундалик эҳтиёжининг 3 фоизини қондиради. Айниқса, ҳомиладорликдаги кўнгил айнишида, организм иммунитетини кучайтириш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида қайноқ сут ёки чойга бир оз занжабил илдизидан қўшиб ичиш фойдалидир. Шунингдек, қорин оғриғи ва дам бўлишини енгиллатишда ҳам ишлатилади. Замонавий тиббиётда шамоллашлар, грипп асоратларидан сақланиш, юрак ва ўсма касалликларининг олдини олишда ортиқча вазндан халос бўлишда фойдали саналади.

БИЛАСИЗМИ?

Камалак ердан туриб қараганда ёй шаклида кўринади. Самолётдан эса бутун доира бўлиб ҳам кўриниши мумкин.

* * *

Статистикага кўра, уйланган эркаклар 8 йил кўпроқ умр кўради, турмушга чиққан аёллар эса 8 йил камроқ.

ТУРФА ОЛАМ

## Мусиқанинг кучи

**ФИН ОЛИМЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, МУСИҚАДАН ЎТИЛГАН ҚЎШИМЧА ДАРСЛАР МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚИШГА БЎЛГАН ИШТИЁҚНИ УЙҒОТАДИ.**



Сўнгги йилларда Финляндияда таълим бериш даражаси кескин пасайгани, ўқувчиларда таълим олишга, умуман мактабга бўлган қизиқиш сўнгани кузатилаяпти. Бунинг сабабини ўрганиш мақсадида олимлар томонидан ўзига хос тадқиқот ўтказилди. Мақсад мусиқа фани бўйича ўтилаётган қўшимча дарслар ўқувчилар давоматига қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш эди. Тадқиқотда 735 нафар 3- ва 6-синф ўқувчилари қатнашган. Натижада, мусиқадан ўтиладиган қўшимча дарсларга қатнашувчи болаларда давомат анча яхши эканлиги аниқланган. Бундай кўрсаткич ҳатто, ҳафтада бир-икки маротаба бўлса-да мусиқа дарсига қатнашувчи ўқувчиларда ҳам кузатилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқот бошқа фанлар бўйича ўтказилганда кутилган самарани бермаган.

## Энг биринчи биоробот

**СМИТСОН УНИВЕРСИТЕТИ (ВАШИНГТОН, АҚШ) МУЗЕЙИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ БИОРОБОТ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ.**



Мазкур робот 28 та сунъий одам танаси аъзоларидан ясалган. Биороботга Фрэнк исми берилган бўлиб, унинг ўпкаси, буйраги ва ҳатто, юраги ҳам бор. Бундан ташқари, робот юриш, гапириш ва кўриш хусусиятига эга. Шу ва бошқа ҳаракатларни бажаришда робот сенсор қурилма ва процессорларга суянади. Ишланма муаллифларининг айтишича, ҳозирча робот устидаги синовлар тўлиқ ниҳоясига етмаган. Унинг росмана биоробот бўлиши учун сунъий мия етишмаяпти. Айни чоғда олимлар ана шу вазифа устида бош қотиришмоқда.

**Зафар МУҲАММАД**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Н.Крупская номидаги 1-кечки ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Муминова Сайёра Шавкатовнага берилган № 503805 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1019, Адади — 6055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Зафар МУҲАММАД
**Навбатчи:** Тўмарис БУТУНБАЕВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.30.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 4 5